

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

«Банк – молия хизматлари» факультети

«Банк ва жамғарма ишлари» кафедраси

«Ҳимояга тавсия этилди»

Кафедра мудири

_____доц. Ниёзов З.Д.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: «Тижорат банки ликвидлиги ва тўловга қобиллигини баҳолашни
такомиллаштириш масалалари»**

(ЎР ТИФ Миллий банк Самарқанд вилоят бўлими мисолида)

Бажарди_БИ-207___гуруҳ талабаси_ **Исмоилов Орзу**

Илмий раҳбар доцент. **Мухитдинов Д.Х.**

Самарқанд - 2011 йил

Ҳимоя вақти «29 » 06 июн_ 2011 йил

ДАК баҳоси_____

ДАК қарори_____

ДАК раиси _____

ДАК аъзолари

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

«Банк ва жамғарма ишлари» кафедраси

«Тасдиқлайман»

Кафедра мудири

доц. Ниёзов З.Д.

«___» _____ 2011 й.

Битирув малакавий иши бўйича Сам. И.С.И.

Банк-молия хизматлари факультетининг

Банк иши йўналиши 4 курс

Талабаси Исмоилов Орзу

Топширик

1. Битирув малакавий ишнинг мавзуси

«Тижорат банки ликвидлиги ва тўловга қобиллигини баҳолашни такомиллаштириш масалалари»

2. Институт ректори буйруғи билан битирув малакавий иш мавзусининг тасдиқланган санаси ва рақами

3. Битирув малакавий иш бўйича бирламчи маълумотлар

4. Битирув малакавий иш режаси ва бажариш муддатлари:

Тартиб рақами	Битирув малакавий иш бўлимлари	Бажарилиш муддатлари
I-Боб	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИ-НИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	3-январ-
II-Боб	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ	28-феврал
III-Боб	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МУСТАҲҚАМЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	1-март 1-май
IV-Боб	ТИФ «Миллий банк» тизимида меҳнат муҳофазаси ва ҳаёт хавфсизлигини таъминланишининг амалдаги ҳолати таҳлили.	-/-/-

Топширик берилган сана _____

Битирув малакавий ишни топшириш муддати _____

Битирув малакавий иш раҳбари _____

Топширикни олдим _____

Тижорат банки ликвидлиги ва тўловга қобиллигини баҳолашни такомиллаштириш масалалари

(ЎР ТИФ Миллий банк Самарқанд вилоят бўлими мисолида)

1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар

1.2. Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари

1.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг тижорат банклари ликвидлигига таъсири

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ

2.1. Тижорат банклари ликвидли активларининг таркиби ва динамикаси

2.2. Тижорат банклари капиталининг етарлилик даражаси

2.3. Муаммоли кредитларнинг таркиби ва динамикаси

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Тижорат банклари активларининг ликвидлигини таъминлашнинг асосий йўллари

4 – боб. ТИФ «Миллий банк» тизимида меҳнат муҳофазаси ва ҳаёт хавфсизлигини таъминланишининг амалдаги ҳолати таҳлили.

4.1 ТИФ «Миллий банк» тизимида меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар.

4.2. ТИФ «Миллий банк» тизимида ёнғин хавфсизлигини таъминланиши

4.3 ТИФ «Миллий банк» тизимида ходимларга тиббий хизмат кўрсатилиши ҳолати.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз иқтисодиётини Инқироз даврида ва инқироздан кейинги ривожланиш даврида тижорат банкларини йирик инвестиция институтларига айлантириш ва уларнинг фермер хўжаликларини, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш жараёнидаги ролини ошириш вазифасини Президентимиз И.А. Каримов томонидан қўйилганлиги Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини янада ошириш заруриятини юзага келтиради. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкларининг етарли даражада ликвидли бўлиши юқорида қайд этилган вазифаларни бажаришнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Айни вақтда, республикамизнинг айрим тижорат банкларида уларнинг ликвидлилигига салбий таъсир этувчи омиллар сақланиб қолмоқда. Хусусан, йирик тижорат банклари депозит базасининг таркибида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг салмоғи 50 фоиздан юқоридир. Халқаро стандартларнинг талабларига кўра, ушбу кўрсаткич 30 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда, ушбу омил тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.

Умуман олганда, республикамиз тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш ва янада мустаҳкамлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу мавзунини мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганиш заруриятини юзага келтиради ҳамда номзодлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини асослашга хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш масаласининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар - Д.МакНотон, Д.Полфреман, Ж.Матук, И.Носкова, К.Барлтрон, О.Лаврушин, Э. Доланларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган¹.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Вахабов, Т. Бобакулов, Н.Жумаев, О.Саттаровларнинг илмий изланишларида тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш масалаларининг назарий ва амалий жиҳатлари ўз ифодасини топган².

Битирув малакавий ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Битирув малакавий иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Банк ва жамғарма ишлари» кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш ва янада мустаҳкамлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг зифалари:

¹ Эдвин Дж. Долан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. – СПб.: “Санкт-Петербург Оркестр”, 1994. – С. 90-93.; К.Барлтрон и Д.МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках. - Всемирный банк, Вашингтон, 1993.- С. 53-54.; Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка.-М.:ЮРИСТЪ, 2003.- С. 228.; Носкова И.Я. Валютные и финансовые операции. – М.:ЮНИТИ, 1998. – С.46 - 47.

² Вахабов А.В. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х т. – Ташкент: Университет, 2003. – 538 с.; 3.5. Жумаев Н.Х., Кудайбергенов Ж.Ш. Международные финансовые отношения. Валютный курс и пути их регулирования. –Ташкент: Iqtisod-Moliya, 2006.

– тижорат банклари ликвидилигининг назарий асосларини ўрганиш ва уларнинг илмий-амалий аҳамиятига баҳо бериш;

– хорижий давлатларнинг тижорат банкларининг ликвидилигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва улардан республикамиз банк амалиётида ижодий фойдаланиш юзасидан илмий – амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг тижорат банклари ликвидилигига таъсирини баҳолаш ва уни пасайтиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ликвидилигининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

– республикамиз тижорат банкларининг ликвидилигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг предметини тижорат банкларининг ликвидилигини таъминлаш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши таркибан кириш, туртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва глоссарийдан иборат.

1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар

Тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашнинг назарий ва услубий масалалари бир қатор таниқли иқтисодчи олимларнинг, шу жумладан, Э. Долан, Ж.Матук, О.Лаврушин, К.Барлтроп, Д.МакНотон, Д.Полфреманларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Проф. О.И.Лаврушиннинг фикрига кўра, тижорат банкларининг ликвидли активлари ўз ичига кассадаги нақд пулларни, тижорат банкининг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғини, тижорат банкининг бошқа банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларининг қолдиқларини ва йўлдаги пулларни олади³.

О.И.Лаврушин тижорат банкларининг ликвидли активлари депозитларнинг нобарқарор қисми бўйича мажбуриятларни бажариш имконини бериши керак, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, ҳар учала шаклдаги банк депозитларининг, яъни жорий депозитлар, жамғарма депозитлари ва муддатли депозитларнинг барқарор қисми мавжуд бўлиб, улар жами депозитларнинг 75 фоизидан кам бўлмаган қисмини ташкил этиши лозим. Ликвидли активлар эса, жами депозитларнинг 25 фоизи миқдоридаги мажбуриятларни бажаришга етадиган миқдорда мавжуд бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг ликвидли активлари миқдорини аниқлаш учун меъёрий-услубий асос бўлиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил сентябрдаги “Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришга талаблар тўғрисида”ги Низом ҳисобланади⁴.

Мазкур низомга мувофиқ тижорат банклари жорий ликвидлилик коэффицентининг минимал даражаси 30 % ни ташкил этади. Банкларнинг жорий ликвидлилик каэффицентини аниқлаш учун ликвидли активлар ва банкнинг 30 кунгача муддатда қопланадиган қуйилмалари суммаси трансакцион депозитлар суммаси ва 30 кун ичида тўланадиган банк тўловлари суммасига бўлинади ва олинган натижа 100 % га кўпайтиралади.

Ушбу низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидли активлари таркибида қуйидагилар киритилади.

- тижорат банкларининг айланма кассасидаги нақд пуллар;
- Ҳукуматнинг қисқа муддатли облигацияларига қилинган инвестициялар суммаси;
- Тижорат банкининг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобвараининг қолдиғи;
- Тижорат банкининг бошқа банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқлари.

Демак, Ўзбекистон Республикеси Марказий банки томонидан белгиланган ликвидли активлар таркиби бирламчи захиралар таркибига мос

³ Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка.-М.:ЮРИСТЪ, 2003.- С. 228.

⁴ Сборник Законодательных актов по реформированию и либерализации банковской системы Республики Узбекистана. – Т.: Узбекистан, -2000. – С. 139-141.

келади, бирламчи захираларнинг фақат битта элементи флоут ликвидли активлар таркибига киритилмаган.

Мазкур Низомда тижорат банклари ликвидли активларининг зарурий миқдори банкнинг трансакцион депозитлари ва мажбурий характердаги тўловлари суммасига нисбатан белгиланган. Йўриқномада мажбурий характердаги тўловларнинг қайси турларини жорий ликвидлилик коэффицентини инобатга олиш кераклиги кўрсатилмаган. Бу эса тижорат банклари учун амалий аҳамият касб этадиган масала ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, агар коэффицентни ҳисоблашда мажбурий тўловларнинг барчаси инобатга олинса, у ҳолда, тижорат банки ўзининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида катта миқдордаги маблағлари сақлаб туришга мажбур бўлади, чунки укумат облиацияларининг эмиссия ҳажми жуда кичик. Натижада тижорат банклари активларининг даромадлилигига нисбатан салбий таъсир юзага келади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг ликвидли активлари таркибини айланма касадаги нақд пуллар, тижорат банкининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги қолдиқлар суммаси, ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари суммаси ва флоутнинг барқарор қисмидан иборат қилиб шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Ана шу таркибда шакллантирилган ликвидли активларнинг минимал миқдори тижорат банкининг трансакцион депозитлари ва юридик шахсларнинг муддатли депозитлари суммасининг 50 фоизини ташкил қилиши лозим.

Тижорат банклари активларининг даромадлилиги хусусида турли мазмундаги назарий қарашлар мавжуд. Уларда активларнинг даромадлилик даражаси таҳлил қилинган.

Шуниси характерлики, Ғарбий европа банк амалиётида жаҳон тиклаш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан банк активларининг даромадлиги бўйича ишлаб чиқилган меъёрий кўрсаткичлардан кенг фойдаланилмоқда.

Жаҳон тиклаш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан тижорат банклари активларининг ликвидлигини тавсифлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ишлаб чиқилган⁵.

1. Соф фоизли спрэд коэффицентини (СФСК)

Бу коэффицент қуйидагича аниқланади.

$$\text{СФСК} = \frac{\text{Олинган фоизлар} \times 100}{\text{Брутто кредитлар}} - \frac{\text{Тўланган фоизлар} \times 100 \%}{\text{Фоиз тўланадиган депозитлар суммаси}}$$

Ушбу коэффицент фоиз келтирадиган активлар билан фоиз тўланадиган пасивлар ўртасидаги нисбатнинг ҳақиқатдаги даражасини кўрсатади. Жаҳон банки экспертларининг тавсиясига кўра тижорат банкининг капитали, трансакцион депозитлар ва фойда ҳисобидан ташкил қилинган захиралар мазкур коэффицентни ҳисоблашда қўлланилмаслиги лозим.

Соф фоизли спрэд коэффицентнинг норматив даражаси жаҳон банкининг экспертлари томонидан 1,25 фоиз қилиб белгиланган.

⁵ К.Барлтроп и Д.МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках.-Всемирный банк, Вашингтон, 1993.-с. 10-11.

2. Соф операцион маржа коэффиценти (СОМК)

Бу коэффицент қуйидагича ҳисобланади.

$$\text{СОМК} = \frac{\text{ДКА} + \text{ХБОТ} \times 100 \%}{\text{ЖМА}} - \frac{\text{ФХ} \times 100 \%}{\text{ЖММ}}$$

Бу ерда:

ДКА – даромад келтирадиган активлар;

ХБОТ – хизмат бўйича олинган тўловлар;

ЖМА – жами молиявий активлар;

ЖМИ – жами молиявий мажбуриятлар;

ФХ – фоизли харажатлар.

Ушбу коэффицент банкнинг операцион фаолиятидаги воситачилик функциясини бажариш натижасида оладиган даромадларининг реал даражасини кўрсатади.

Соф операцион маржа коэффицентининг норматив даражаси 6,50 фоизни ташкил қилади.

АҚШда тижорат банклари активларининг даромадлилик даражаси ва умуман сифат кўрсаткичлари “CAMEL” рейтинг тизими асосида баҳоланади.

“CAMEL” рейтинг тизимида банк активларининг даромадлиги уларнинг риск даражасига боғлиқ равишда таҳлил қилинади. Мазкур тизимда активлар риск даражасига кўра бешта гуруҳга бўланади:

Яхши активлар, махсус изоҳланадиган активлар, ностандарт активлар, шубҳали активлар ва умидсиз активлар.

Яхши активлар – бу соф қиймат билан ёки юқори сифатли таъминот билан ҳимояланган активлар.

Махсус изоҳланадиган активлар – бу таъминотга эга бўлган, лекин ортиқча риск билан жойлаштирилган активлар. Бу активларга масалан, банкнинг кредит бўлимининг малакасизлиги туфайли маълум хатоликлар асосида расмийлаштирилган кредитлар киради.

Ностандарт активларга жорий қиймат ва таъминот билан етарли даражада таъминланмаган активлар киради.

Шубҳали активлар – бу йўқотишлар эҳтимоли юқори бўлган, лекин маълум бир сабаблар кўра умидсиз активлар тоифасига киритилмаган активлар.

Умидсиз активлар – бу қайтиш эҳтимоли ниҳоятда паст бўлган активлардир.

Ностандарт активлар 20 %, шубҳали активлар 50 %, умидсиз активлар 100 % риск даражасига эгадир.

“CAMEL” рейтинг тизими бўйича активларнинг сифати қуйидагича баҳоланади.

1.1-жадвал

Тижорат банклари активлари сифатини “CAMEL” рейтинг тизими бўйича баҳолаш

Рейтинг	Активлар сифатининг асосий кўрсаткичи даражаси, % да
1	5 гача
2	5 дан 15 гача

3	15 дан 30 гача
4	30 дан 50 гача
5	50 дан юқори

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, асосий кўрсаткичнинг даражаси ошиб бориши билан рейтинг баллари ҳам ошиб боради. Бунда асосий кўрсаткич банкнинг барча активлари бўйича рискининг умумий миқдорини тижорат банкининг асосий капиталига бўлиш йўли билан аниқланади.

АҚШ тижорат банкларида активларнинг даромадлигини баҳолаш учун фойдалилик коэффиценти (ФК) қўлланилади.

Ушбу коэффицент қуйидаги формула асосида ҳисобланади.

$$\text{ФК} = \frac{\text{Соф фойда (солиқ тўлангандан кейин)} \times 100 \%}{\text{активларнинг ўртача миқдори}}$$

Мазкур коэффицентни белгилаш учун 5 та гуруҳга ажратилади: биринчи гуруҳга активларининг миқдори 100 млн доллардан кам бўлган банклар, иккинчи гуруҳга активларининг миқдори 100 млндан 300 млн долларгача бўлган банклар, учинчи гуруҳга активларининг миқдори 300 млндан 1 млрддан долларгача бўлган банклар, тўртинчи гуруҳга активларининг миқдори 1 млрддан 5 млрд. долларгача бўлган банклар, бешинчи гуруҳга активларининг миқдори 5 млрд доллардан ортиқ бўлагн банклари киради.

Ҳар бир гуруҳ бўйича ва гуруҳдаги ҳар бир банк бўйича сўнгги уч йил мобайнидаги фойдалилик коэффицентининг ўртача миқдори аниқланади. Ундан кейин фойдалилик коэффицентини уч йил мобайнида ҳақиқатдаги ўртача миқдори ҳар бир банк бўйича пасайиб бориш тартибида жойлаштирилади.

Бир рейтинги олий даража ҳисобланади ва бунда фойдалилик коэффиценти бир фоиздан юқори бўлади ва банк кредитлардан кўрилидаган зарарни қоплаш учун тўлиқ заҳиралар ташкил этиш имкониятига эга бўлади.

Рейтингнинг иккинчи даражаси қонихарли даража ҳисобланади ва фойдалилик коэффиценти 0,75 фоиздан 1,0 фоизгача бўлади.

Рейтингнинг учинчи даражаси узвий даража ҳисобланади ва бунда фойдалилик коэффиценти 0,5 фоиздан 0,75 фоизгача бўлади. Бунда дивидентлар бўйича ставкаларнинг даражаси юқори бўлади, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплаш учун ташкил этиладиган заҳиралар етарли бўлмайди.

Рейтингнинг тўртинчи даражаси чегаравий даража ҳисобланади ва бунда активларнинг фойдалилик коэффиценти 0,25 фоиздан 0,5 фоизгача бўлади. Бунда банкнинг фойдаси регулятив капитал ҳажмини ошириш учун етарли бўлмайди, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплаш учун ташкил этиладиган заҳиралар етарли бўлмайди.

Рейтингнинг бешинчи даражаси қоникарсиз даража ҳисобланади ва бунда активларнинг фойдалилик коэффиценти 0,25 дан паст бўлади. Бу банк жорий фаолиятини зарар билан якунлайди⁶.

⁶ О.И. Лаврушин. Банковское менеджмент . - Москва: ЮРИСТЪ, 2003. – С. 225-226.

АҚШ банкларида активларнинг даромадлилик даражасини баҳолаш мақсадида кенг қўлланилаётган фойдалилик коэффиценти сўнгги уч йил мобайнида маълумотлар асосида ҳисобланади ва бу ҳолат фойдалилик коэффицентида қисқа муддат даврий оралиқларда юзага келадиган вақтинчалик омилларнинг таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини беради.

1.2. Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида, хусусан, АҚШ, Японияда ва еврозона мамлакатларида тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолашда капиталнинг етарлилик коэффицентлари ва жорий ликвидлилик коэффиценти кўрсаткичларидан фойдаланилмоқда. Капиталнинг етарлилик коэффицентлари тижорат банкининг умумий ликвидлигини ифодаласа, жорий ликвидлилик коэффиценти банкларнинг жорий ликвидлигини акс эттиради.

АҚШда ҳам, Еврозона мамлакатларида ҳам тижорат банклари капиталининг таркибин шакллантириш ва унинг етарлигини таъминлашда тўлиқ Халқаро Базел стандартининг талабларидан фойдаланилади. Шу сабабли, тижорат банкларининг капитали икки қисмдан, яъни асосий ва қўшимча капиталдан иборат қилиб шакллантирилади. Базел қўмитаси тижорат банкларига учинчи даражали капитални шакллантиришга рухсат берган. Аммо тараққий этган мамлакатларнинг биронтасида тижорат банклари учинчи даражали капитални шакллантирмаган.

Халқаро базель стандарти бўйича учинчи даражали капитал икки йилгача муддатга чиқарилган субординациялашган қарз мажбуриятларини муомалага чиқаришдан олинган пул маблағларидан ташкил топади.

Қуйидаги жадвалларнинг маълумот орқали тараққий этган мамлакатлар тижорат банкларининг капиталлашиш даражасига баҳо берамиз.

1.2–жадвал маълумотларидан кўринадик, АҚШ тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра биринчи ўринни депозитлар эгаллайди. Бу эса, тижорат банкларининг молиявий воситачи сифатидаги мавқеининг юқори эканлигидан далолат беради. Муддатли ва жамғарма депозитлари хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг вақтинчалик бўш турган пул маблағларидан иборатдир.

1.2-жадвал

АҚШ тижорат банклари пасивларининг таркиби ва динамикаси⁷, %

	2004й.	2005й.	2006й.	2007й.	2008й.	2008 йилда 2004 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.

⁷ «International Financial Statistics» бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Пассивлар-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х
Шу жумладан:						
Депозитлар	72,2	71,4	68,7	67,0	66,4	– 5,8
Халқаро мажбуриятлар	8,9	10,0	13,2	14,6	15,0	6,1
Банклараро кредитлар	0,4	0,4	0,2	0,3	0,2	– 0,2
Умумий капитал	8,5	8,7	8,1	8,7	9,6	1,1
Бошқа пассивлар	10,0	9,5	9,8	9,4	8,8	1,2

Шуниси характерлики, трансакцион депозитлар АҚШ тижорат банклари пассивларнинг умумий ҳажмида кичик салмоқни эгаллайди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, трансакцион депозитлар АҚШ тижорат банклари учун ресурс манбаи ҳисобланмайди, шу сабабли, уларга фоиз тўланмайди; иккинчидан, АҚШда 2007 йилнинг 20 декабридан бошлаб, тижорат банкларининг муддатли ва жамғарма депозитлари Федерал захира тизимининг мажбурий захира талабномасидан озод қилинди.

1.2-жадвал маълумотларидан кўринадик, АҚШ тижорат банклари пассивларининг умумий ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи таҳлил қилинган давр мобайнида ўртача 8,5-8,7% даражасида бўлган. Аммо 2008 йилда регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи 2007 йилга нисбатан сезиларли даражада ошди. Бу эса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг банklar фаолиятига нисбатан юзага келган салбий таъсирига барҳам бериш чораларига боғлиқ.

1.3-жадвал

Япония тижорат банклари пассивларининг таркиби ва динамикаси⁸, %

	2004й.	2005й.	2006й.	2007й.	2008й.	2008 йилда 2004 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
Пассивлар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х
Шу жумладан:						
Депозитлар	73,7	74,2	74,8	75,0	74,1	7,0
Халқаро мажбуриятлар	8,4	7,2	7,6	7,8	9,1	0,7
Банк томонидан эмиссия қилинган	6,9	6,0	5,8	5,6	5,7	– 1,2

⁸ «International Financial Statistics» бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

қимматли қоғозлар						
Банклараро кредитлар	4,5	3,6	5,1	5,7	1,2	– 3,3
Умумий капитал	6,5	9,0	6,7	5,9	9,0	2,5
Бошқа пасивлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,9	0,9

1.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2004-2008 йилларда Япония тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида депозитлар юқори салмоқни эгаллаган. Бунинг асосий сабаби шундаки, тижорат банклари фаолиятининг мазмунига кўра, асосан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан актив операцияларини молиялаштирадиган ташкилотлар ҳисобланади. Шу сабабли, депозитлар пасивларнинг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди. Шуниси характерлики, Японияда Марказий банкнинг мажбурий захира талабномасининг тижорат банкларининг депозит базасига нисбатан салбий таъсири мавжуд эмас. Чунки мажбурий захира ставкалари жуда паст бўлиб, унинг юқори чегараси 0,125 фоизни ташкил этади.

1.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, Япония тижорат банкларининг пасивлари ҳажмида умумий капиталнинг салмоғи унчалик юқори эмас. АҚШ тижорат банклариникига нисбатан сезиларли даражада паст. Бу эса, банкларнинг тўловга қобиллигига нисбатан жиддий хавфни юзага келтириши мумкин.

Жадвал маълумотлари кўрсатишича, Япония тижорат банкларининг пасивлари ҳажмида умумий капиталнинг салмоғи 2009 йилда олдинги йиллардагига қараганда сезиларли даражада ошган. Бу эса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши кураш тадбирлари билан боғлиқ.

Халқаро мажбуриятларнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясининг юзага келишига тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг халқаро фонд биржаларида жойлаштириш натижасида юзага келган халқаро мажбуриятлар суммасининг ўсиш тенденцияси асос бўлган. Бу эса, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятининг ривожланганлигидан далолат беради. Японияда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлиги тижорат банкларига ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қимматли қоғозларни эмиссия қилиш йўли билан пул маблағларини кенг кўламда жалб қилиш ҳуқуқини беради. Япония тижорат банклари томонидан асосан имтиёзли акциялар, облигациялар, фьючерс, опцион, депозит ва жамғарма сертификатлари муомалага чиқарилади. Японияда инфляциянинг паст даражада эканлиги, миллий валюта алмашув курсининг барқарорлиги муомалага чиқарилган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар реал қийматининг пасайишига йўл қўймайди.

Японияда тижорат банкларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетнинг маблағлари ҳисобидан ноликвид активларни сотиб олиш ва уларга паст фоизли кредитлар бериш усулларида кенг фойдаланилди. Натижада давлат бюджети дефицити ЯИМ нинг 10 фоизига етди.

Япония Марказий банки тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида 2009 йилнинг декабр ойида 10 трлн. иен (115 млрд. доллар) миқдорида йиллик 0,1% ставкада 3 ойлик кредит берди.

Япония Марказий банки дисконт ставкасининг жуда паст даражада эканлиги тижорат банкларига марказлашган кредитлар ҳисобидан ўзларининг жорий ликвидлилигини таъминлаш имконини бермоқда. Бунинг устига, Япония Марказий банки очиқ бозор операциялари орқали ҳам тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида молия бозорларининг ривожланмаганлиги тижорат банкларининг қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан ресурслар жалб қилиш имкониятига салбий таъсир қилади. Бундан ташқари, инфляция даражасининг юқори ва беқарор эканлиги, миллий валюта алмашув курсининг беқарорлиги қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар реал қийматининг пасайиш хавфини юзага келтиради.

Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг методикаси бўйича, тижорат банкларининг умумий капитали брутто активларнинг камида 10 фоизини ташкил қилиши лозим. Агар брутто активлар ва пасивлар суммасининг ўзаро тенг эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, умумий капиталнинг тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг 10 фоиздан паст бўлмаган даражасини таъминлаш ва унинг барқарорлигига эришиш, банкларнинг тўловга қобиллиги нуқтаи-назаридан амалий аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда:

- тараққий этган мамлакатларда умумий каапитал пасивлар ҳажмида нисбатан паст салмоқни эгаллайди ва ушбу ҳолат капитални баҳоси юқори бўлган молиялаштириш манбаи эканлиги билан изоҳланади;

- ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида умумий капиталнинг тижорат банкларри пасивларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг беқарорлиги хос бўлиб, ушбу муаммо банкларнинг тўловга қобиллигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради;

- тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида умумий капиталнинг салмоғини 10 фоиздан паст бўлмаган даражада барқарор сақлаб туриш тижорат банкларининг тўловга қобиллигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

1.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг тижорат банклари ликвидлилигига таъсири

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида таъкидлаганидек, “...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молия инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур

эди”⁹. Шу сабабли, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини ўрганиш ва баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Глобал молиявий инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири қуйидаги йўналишларда намоён бўлмоқда:

- жаҳон хом-ашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларни кескин пасайиши;

- 2009 йилда корхоналаримиз экспорт даромадларининг сезиларли камайишига олиб келади;

- асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилиятини кескин пасайиши ҳам ташқи савдо айланмасига салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримовнинг фикрига кўра, “жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар. Пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади. Уларнинг фойда кўришига ва ишлаб чиқариш рентабеллигига. Охир-оқибатда эса макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади”¹⁰.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда мамлакат банк тизимининг капиталлашиш даражасини ошириш ва ликвидлилигини таъминлашга устувор йўналиш сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 августдаги ПҚ-944 сонли “Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2008 йил 13 ноябрдаги ПҚ-998-сонли “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банкининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2008 йил 16 октябрдаги ПҚ-986-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2008 йил 11 январдаги ПҚ-775-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ҳамда 2008 йил 8 октябрдаги ПҚ-975-сонли “Пахта-банк” ва “Ғалла-банк” акциядорлик-тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорларига мувофиқ:

- “Ўзсаноатқурилишбанк” нинг акциядорлари томонидан умумий қиймати 65,4 млрд.сўм миқдоридаги қўшимча акциядорларни эмиссия қилиш асосида банкнинг устав капиталини 100 млрд. сўмга етказиш;

- “Пахта-банк” акциядорлик-тижорат банки-банкнинг устав капитал миқдорини 100 млрд.сўмга етказиш ҳамда жами 50 млрд.сўмлик, “Ғалла-банк” акциядорлик тижорат-банк-банкнинг устав капитал миқдорини 50 млрд.сўмга етказиш ҳалда жами 36 млрд.сўмлик қўшимча акцияларни эмиссия қилиш;

⁹ Ислон Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.11.

¹⁰ Ислон Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.12.

– Давлат- тижорат Халқ банки акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 2008 йилда банкнинг устав капиталини 100 млрд.сўмга етказиш;

– “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки акциялари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг 2008-2009 йилларда “Микрокредитбанк” акциядорлик банкининг устав капиталини 72 млрд.сўмга кўпайтириб, унинг умумий миқдорини 150 млрд.сўмга етказиш;

– “Асака” Давлат-акциядорлик тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 2008-2009 йилларда банкнинг устав капитал миқдорини қўшимча 147.1 млрд. сўмга оширган ҳолда унинг жами миқдорини эквивалентда 300 млрд.сўмга етказиш хусусидаги таклифлар қабул қилинди.

1.5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан банклар устав капиталини ошириш бўйича ажратилган маблағлар динамикаси¹¹

№	Банк номи	Бошланғич устав капитали, млрд. сўм	Қўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши					
			Жамин	Шу жумладан				
				2008	2009	2010	2011	2012
1	Халқ банки	100	120,0	20	30	30	20	20
2	Асакабанк	300	147,1	100	48	—	—	—
3	Саноатқурилишбанк и	100	65,4	63	2	—	—	—
4	Микрокредитбанк	150	72,0	54	18	—	—	—
5	Агробанк	100	50,0	22	28	—	—	—
6	Қишлоқ қурилиш банк	50	36,0	13	23	—	—	—
Жами		491	272	149	30	30	20	20


1.5-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамизнинг 6 та йирик тижорат банкига 50 млрд. сўмдан кам бўлмаган миқдорда устав капиталини ошириш учун давлат бюджети маблағлари йўналтирилди. Бу эса, уларнинг капиталлашиш даражасини сезиларли даражада ошишига олиб келади.

2009 йил давомида республикамизнинг 6 йирик тижорат банкининг устав капиталига 460,5 млрд. сўмлик маблағлар йўналтирилди. Ушбу маблағларнинг банклар кесимида тақсимланишини қуйидаги расм маълумотлари орқали кўрамиз.

2009 йилда республикамиз тижорат банклари устав капиталига йўналтирилган маблағлар ҳисобидан:

– 91,8 млрд.сўм иқтисодиётнинг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган 5 та йирик инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга;

¹¹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.



**1.1-расм. 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси тижорат
банкларининг капиталлашиш даражасини оширишга давлат
маблағлари ҳисобидан йўналтирилган маблағларнинг банклар кесими
бўйича жойлашиши, млрд. сўм**

– 97,9 млрд. сўми Микрокредитбанк томонидан тадбиркорлик субъектига микромолиявий хизматлар кўрсатиш мақсадида сарфланди ва бунинг натижасида 88 мингдан ортиқ янги ишчи ўринлар яратилди;

– 58,3 млрд. сўми Қишлоқ қурилиш банк томонидан намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштиришга сарфланди;

– 233,5 млрд.сўмлик имтиёзли кредитлар экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни айланма маблағлар билан тўлдиришга ажратилди.

Инқирозга қарши кураш Дастури доирасида 2009 йилда тижорат банклари томонидан:

– қурилиш-пудратчи корхоналарига жами 3,6 млрд.сўм, шу жумладан имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан янгидан ташкил этилган ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш ташкилотларига 512,5 млн.сўмлик;

– озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадлари учун 489,4 млрд.сўмлик;

– маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва рағбатлантириш мақсадлари учун 403,6 млрд.сўмлик кредитлар ажратилди;

– 43 та йирик экспорт қилувчи корхоналарнинг 193 млрд.сўмлик банк кредитлари бўйича қарздорликлари реструктуризация қилинди ва улар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималар ҳисобдан чиқарилди;

– кичик бизнес субъектларини қўллаб қувватлаш ҳамда уларнинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 121,8 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари жалб қилинди.

2009 йилда тижорат банклари томонидан корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни

молиялаштириш учун жами 2,4 трлн. сўм миқдорида ёки 2008 йилга нисбатан 1,6 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон банк тизими жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишга қодир, деган илмий хулосани шакллантирдилар ва ушбу хулоса қуйидаги далилларга таянади:

1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг умумий миқдори 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида” ги қонунга мувофиқ шакллантирилган захиралар билан биргаликда, 13 трлн. 360 млрд. сўмдан ошди. Бу эса, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг республикаимиз тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмидан 2,4 баробарга кўп демакдир.

Тижорат банклари актив операцияларини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб, аҳоли ва юридик шахсларнинг депозитлари ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, депозитлар тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди.

Депозитлар тижорат банкларининг ликвидлилигига бевосита ва кучли таъсир кўрсатади. Чунки депозитларнинг асосий қисми (айрим банкларда 80 фоиздан ортиқ қисми) кредит сифатида жойлаштирилади. Кредит эса, юқори riskли актив ҳисобланади. Халқаро Базел қўмитасининг тижорат банклари активларини riskка тортиш бўйича белгилаган талабига кўра, тижорат банки томонидан миқдорларга берилган кредитларнинг risk даражаси 100 фоизга тенг. Базел-II бўйича эса, тижорат банки томонидан берилган кредитнинг муддати ўтганига 90 кундан ортиқ вақт ўтган бўлса ва кредитдан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаси кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда, ушбу тоифадаги кредитларнинг risk даражаси 150 фоизни ташкил қилади.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Президентимиз И.А.Каримов томонидан келтирилган активлар ва депозитлар ўртасидаги нисбатга асосланган далил мамлакатимиз тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

2. Республикаимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича халқаро Базел қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробарга юқоридир.

Маълумки, Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг маълумотларига кўра, дунёнинг 150 мамлакатада (Ўзбекистон ҳам шулар жумласидан) тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича Халқаро Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандарт қўлланилади. Ушбу стандартга кўра, тижорат банки регулятив капиталининг етарлилигини аниқлаш учун регулятив капитал суммаси банкнинг riskка тортилган активлари суммасига бўлинади. Ушбу коэффициентнинг энг паст даражаси 8% қилиб белгиланган. Агар тижорат банкида мазкур коэффициентнинг амалдаги даражаси 8 фоиздан паст бўлса, у ҳолда, ушбу банкнинг баланси ноликвид ҳисобланади. Республикаимиз тижорат банкларида эса, регулятив капиталнинг етарлилик даражаси 24 фоиздан юқоридир.

Регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти тижорат банкларининг тўловга қобиллигини тавсифловчи муҳим кўрсаткич

ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича учта методика мавжуд бўлиб, уларнинг ичида нисбатан мукаммали, кўпчилик таниқли экспертларнинг (К.Барлтроп, Д.МакНотон, А.Симановский, В.Усоскин, О.Лаврушин ва бошқ.) фикрига кўра, Халқаро Базел қўмитаси экспертлари томонидан ишлаб чиқилган методика ҳисобланади.

Тижорат банки капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан ишлаб чиқилган методикада капиталнинг етарлилиги регулятив капитални активларнинг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу коэффициентнинг энг паст норматив даражаси 8% қилиб белгиланган.

АҚШ Федерал захира тизими томонидан ишлаб чиқилган методика бўйича, тижорат банки капиталининг етарлилиги капитални депозитларнинг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу коэффициентнинг энг паст норматив даражаси 10% қилиб белгиланган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида келтирилган ҳисоб-китобларга кўра, “республикамиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир”¹².

Тижорат банкларининг жорий ликвидлиги уларни банк орқали ўтадиган тўловларни ўз вақтида тўлай олиш имкониятини билдиради. Нодавлат ташқи қарзлар бўйича тўловлар тўлиқ (100%) тижорат банклари орқали ўтади (давлат ташқи қарзлари бўйича тўловлар Марказий банк ва давлат банклари орқали ўтади). Бу эса, тижорат банкларини етарли даражада ликвидли бўлишини тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда, тижорат банкларининг жорий ликвидлиги ва нодавлат ташқи қарзи бўйича тўловлар миқдори ўртасидаги нисбатнинг оқилона даражасини таъминлаш банк тизимининг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

4. Республикамиз банкларига аҳолининг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида 2008 йилнинг ноябр ойидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ, фуқароларнинг банклардаги омонатлари, миқдоридан қатъий назар, давлат томонидан тўлиқ кафолатланди.

Халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрий кўрсаткич бўйича, аҳолининг банклардаги омонатларини 10 фоизи даражасида захира шакллантирилса, омонатларни ҳимоялаш хавфсизлигини таъминлаш учун етарли ҳисобланади. Республикамизда эса, аҳолининг банклардаги омонатлари, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди” даги маблағларнинг миқдоридан қатъий назар, давлат томонидан тўлиқ кафолатланди.

¹² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 29.

5. Республикамиз тижорат банкларининг капиталлашиш даражаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан сезиларли даражада оширилди.

Мамлакатимизнинг йирик, тизимлари банклари ҳисобланган 6 тижорат банки – Халқ банки, Асакабанк, Саноатқурилишбанк, Микрокредитбанк, Пахтабанк ва Ғаллабанк¹³ нинг устав капиталини ошириш учун 2008 йилда Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан 149 млрд. сўм маблағ ажратилди, 2009 йилда эса, 30 млрд. маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш жараёнининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, биринчидан, тижорат банкларининг ликвидлилик даражасининг ошишига хизмат қилади; иккинчидан, тижорат банклари капиталининг барқарорлик даражасини оширади. Бунинг сабаби шундаки, устав капитали тижорат банклари регулятив капиталининг бошқа элементларига нисбатан барқарорлик даражаси юқори бўлган молиялаштириш манбаи ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов томонидан республикамиз тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини ошириш юзасидан бошланган ишларни ниҳоясига етказиш вазифаси қўйилди. Бу эса, банкларнинг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини янада оширишнинг ҳали ишга солинмаган имкониятларини қидириб топишни тақозо этади. Фикримизча, ана шундай имкониятлардан бири республикамиз Марказий банкининг тижорат банкларининг ликвидлилигини ошириш бўйича фаолиятини янада кучайтириш ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида Марказий банк дисконтли кредитлар бериш йўли билан тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Масалан, Германия банк амалиётида Бундесбанк (Марказий банк) тижорат банкларига ҳар бир молиявий йил учун тратталарни қайта ҳисобга олиш контингентини белгилайди. Контингент суммасини мамлакатдаги тижорат банклари сонига бўлиш йўли билан ҳар бир тижорат банкка тўғри келадиган қайта ҳисобга олиш лимити суммаси аниқланади. Агар тижорат банкда ликвидлилик муаммоси юзага келиб қолса, у белгиланган лимит доирасида тратталарни Марказий банкка топшириб, ўша куннинг ўзида марказлашган кредит олиши мумкин.

Банклараро кредитлар бозори ривожланмаган шароитда Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган кредитларнинг миқдорини ошириш йўли билан тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир этишининг аҳамияти ошади. Лекин бунинг учун, биринчидан, тижорат банклари Марказий банк кредитларини қисқа вақт ичида, тезкор тарзда олиш имконига эга бўлишлари лозим; иккинчидан, Марказий банк қайта молиялаш инструментларининг (ломбардли кредитлар, овернайт, муддатли кредитлар, дисконтли кредитлар, овердрафт) деярли барчасига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, Марказий банкнинг қайта молиялаш кредитлари ҳажмини ошириш имконияти чегараланиб қолади. Масалан, ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг дисконт сиёсатининг мавжуд эмаслиги

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПФ-1083-сонли Фармони билан Ғаллабанк базасида Қишлоқ қурилиш банк ва 2009 йил 30 мартдаги ПФ-1084-сонли Фармони билан Пахтабанк базасида Агробанк ташкил қилинди.

тижорат банкларининг ликвидлилигига дисконтли кредитлаш амалиёти орқали таъсир этиш имконини бермайди.

Айрим ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида марказий банклар қайта молиялашнинг қатор инструментларидан фойдаланиш амалиётини йўлга қўйишга муваффақ бўлдилар. Масалан, Россия Федерацияси Марказий банки ломбард кредитлари бериш, овернайт, овердрафт, муддатли кредитлар бериш амалиётини жорий этишга муваффақ бўлди. Биргина 2006 йилда Россия Марказий банки томонидан тижорат банкларига 6,1 млрд. рубл миқдорида ломбард кредитлари берилди. Бу эса, 2005 йилдагига нисбатан қарийб 5 мартага кўп демакдир¹⁴. Бунинг устига, тижорат банклари Россия Марказий банкининг бир йилгача муддатли кредитларидан ҳамда овердрафт ва овернайт кредитларидан фойдаланиш имкониятига эгадир.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда Инкирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан ошириш мамлакат банк тизимини молиявий қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Бунинг устига, тижорат банкларининг устав капиталига қўйилган давлат маблағлари иқтисодиётнинг реал секторида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

¹⁴ Улюкаев А., Куликов М. Проблемы денежно-кредитной политики в условиях притока капитала в Россию // Вопросы экономики. – Москва, 2007. - №7. – С. 8.

2010 йилнинг 1 январ ҳолатига, Ўзбекистон Республикаси банк тизимида 30 та тижорат банки бўлиб, уларнинг мулкӣ хусусиятига кўра таркиби қуйидагича:

- давлат банклари – 3 та;
- акциядорлик-тижорат банклари – 13 та;
- хорижий капитал иштирокидаги банклар – 5 та;
- хусусий банклар – 9 та¹⁵.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Асакабанк ва Халқ банки давлат банклари ҳисобланади.

Биз қуйидаги жадвал маълумотлари орқали хусусий тижорат банки – Капиталбанкнинг активлари таркиби ва динамикасини кўриб чиқамиз.

2.1-жадвал

Капиталбанк активларининг таркиби ва динамикаси¹⁶, фоизда

Активларнинг таркиби	2005й.	2006й.	2007й.	2008й.	2009й.	2009 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
Кассали активлар	16,5	24,5	23,0	17,8	16,6	0,1
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	0,7	1,9	0,0	0,2	0,1	- 0,6
Кредитлар	52,3	49,3	48,1	51,7	54,4	2,1
Асосий воситалар	6,5	5,4	5,6	5,6	9,1	2,6
Ҳисобланган	13,8	11,4	12,3	13,1	11,3	-2,5

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумоти.

¹⁶ Капиталбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

фоизлар						
Бошқа активлар	10,2	7,5	11,0	11,6	8,5	- 1,7
Активлар-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х

2.1-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2005-2009 йилларда Капиталбанк активларининг таркибида кредитлар салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди. Бу эса, банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки тижорат банклари кредитлаш институтлари ҳисобланади ва улар ялпи даромадининг асосий қисми кредит операцияларидан олиниши керак.

Жадвал маълумотларидан кўринадик, Капиталбанкнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялари ривожланмаган. Мазкур инвестициялар банк жами активлари таркибида жуда кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса, Капиталбанк активларининг даромадлилигини ошириш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади.

Таҳлил қилинган давр мобайнида кассали активларнинг жами активлардаги салмоғининг юқори эканлиги салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки кассали активлар даромад келтирмайдиган активлардир.

2.1-жадвал маълумотларидан кўринадик, таҳлил қилинган давр мобайнида Капиталбанк асосий воситаларининг жами активлар ҳажмидаги салмоғи юқори суръатда ўсган. Бу эса, муддатида қайтмаган кредитларнинг гаров таъминотида унидирув қаратилганлиги ва гаровга олинган мулкларни банкнинг балансига ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Умуман олганда, республикаимиз тижорат банкларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларининг даражаси пастлигича қолмоқда. Ушбу ҳолатни 2.8-жадвал маълумотлари орқали яққол кўришимиз мумкин.

2.3-жадвал маълумотлари кўрсатишича, 2005-2009 йилларда республикаимиз тижорат банкларининг Ўзбекистон ҳукуматининг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари уларнинг брутто активлари ҳажмидаги салмоғи пастлигича қолган. Бунинг устига, 2007 йилдан бошлаб ушбу кўрсаткич пасайиш суръатига эга бўлган. Мазкур ҳолатлар республикаимиз Марказий банкининг очиқ бозор операцияларини ривожланмаганлигидан далолат беради. Ушбу операцияларни ҳукумат қимматли қоғозларининг

2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларининг даражаси ва динамикаси¹⁷ (молиявий йилнинг сўнгги санасига)

Кўрсаткичлар	2005 й	2006 й	2007 й	2008 й	2009 й	2009 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариши
1. Тижорат банкларининг ҳукуматнинг қимматли						

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари ва «Ўзбекистон иқтисодиёти» бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

қоғозларига қилинган инвестициялари, млрд. сўм	28,4	32,1	36,1	33,9	34,1	120,0 %
2. Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг банкларнинг брутто активлари ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши, %	0,7	0,7	0,7	0,6	0,5	- 0,2 ф.п.

эмиссия ҳажмини ошириш йўли билан ривожлантириш, фикримизча, мақсадга мувофиқдир. Гарчи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети профицитли бўлсада, ижтимоий нормативлар асосида бюджетнинг ижтимоий харажатларини режалаштириш йўли билан Давлат бюджети харажатларини ошириш мумкин.

Ривожланган давлатларда ҳукумат қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар тижорат банклари активлари таркибида салмоқли ўринни эгаллайди. Масалан, Германиянинг Дойчебанки активлари ҳажмида фақатгина РЕПО шарти бўйича Марказий банкдан сотиб олинган қимматли қоғозларнинг салмоғи 2007 йилнинг 31 декабр ҳолатига 13,2 фоизни ташкил қилди¹⁸. Мазкур кўрсаткичнинг юқори даражаси АҚШ, Япония, Германия, Франция ва Италиянинг йирик тижорат банкларида кузатилиши сабаби шундаки, мазкур мамлакатларда ҳукуматлар қимматли қоғозларни муомалага чиқарувчи асосий эмитентлар ҳисобланади. Масалан, 2007 йилнинг 1 январ ҳолатига, АҚШ ҳукумати облигацияларининг ЯИМдаги салмоғи 37 фоизни ташкил этди.¹⁹

Ўзбекистон Республикасида, ҳукумат облигациялари эмиссиясининг ҳажми жуда кичик бўлиб, унинг ЯИМ даги салмоғи, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига келиб, 0,3 фоизни ташкил қилди²⁰. Бу эса, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети дефицити муаммосининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Биз қуйидаги жадвал маълумотлари орқали хусусий тижорат банкларининг умумий капитални шакллантириш билан боғлиқ бўлган пасив операцияларига баҳо берамиз.

2.4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси хусусий тижорат банклари умумий капиталининг таркиби²¹

(фоизда)

Умумий капитал	Йиллар	2009 йилда
----------------	--------	------------

¹⁸ “Deutsche bank” нинг 2005 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи (Annual Report 2005. Consolidated balance sheet. – F-M, 2006) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

¹⁹ Улюкаев А., Куликов М. Проблемы денежно-кредитной политики в условиях притока капитала в Россию // Вопросы экономики. – Москва, 2007. – №7. – С. 16.

²⁰ Муаллифнинг Давлат статистика қўмитаси маълумотларига асосланган ҳисоб-китоби.

²¹ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

таркиби	2005	2006	2007	2008	2009	2005 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
Устав капитали	75,8	70,0	61,5	57,3	51,1	- 24,7
Захира капитали	13,5	17,6	24,9	28,1	34,7	21,2
Жорий йил фойдаси	5,1	4,8	8,2	7,5	8,9	3,8
Тақсимланмаган фойда	5,5	7,2	5,3	6,1	5,2	- 0,3
Капиталнинг бошқа элементлари	0,1	0,4	0,1	1,0	0,1	-
Регулятив капитал – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х

2.4-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2005-2009 йиллар мобайнида республикамызда хусусий тижорат банклари умумий капиталининг таркибида устав капиталининг салмоғи юқори бўлган. Бу эса, мамлакатимиз ҳукумати ва Марказий банк томонидан тижорат банкларининг устав капиталини ошириш сиёсатини олиб борилаётганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестицион фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши республикамыз банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Мазкур Қарорга мувофиқ, 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам тижорат банклари учун сўм эквивалентида 10 млн.евро миқдорида, хусусий банклар учун - сўм эквивалентида 5 млн. евро миқдорида белгиланди.

Ушбу қарорда мамлакатимиз тижорат банкларининг ҳозирга қадар самарали инвестиция марказларига айланмаганлиги, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашда ўз капитали билан суғ қатнашаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Республикамыз тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишнинг муҳим меъёрий-ҳуқуқий асосларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил июл ойидаги ПҚ-670-сонли “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳисобланади.²² Мазкур Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг устав капитали миқдорини ошириш, уларнинг капиталига аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва эҳтимол тутилган инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорида фаол жойлаштириш ҳисобига банкларнинг капиталлашув даражасини оширишнинг долзарб масала

²² “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”. – Тошкент, 2007 й. - №27-28, 284-модда.

эканлиги эътироф этилди. Бундан ташқари, тижорат банкларининг ўз капитали ҳисобидан янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда мавжуд корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида кенг иштирок этиши, шу асосда рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги ПФ-3831 –сонли “Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониға мувофиқ, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивидент сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинди, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базасини бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади. Мазкур бандда назарда тутилган имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидентларга нисбатан қўлланилади.

Хусусий тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган муҳим актив операциялардан бири мижозларга ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш ҳисобланади.

2009 йилда хусусий тижорат банклари орқали тўлов топшириқномаси воситасида амалга оширилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг умумий тўлов айланмасидаги салмоғи сезиларли даражада пасайди. Ушбу пасайиш бошқа нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг умумий тўлов айланмасидаги улушларининг ошиши ҳисобига юз берганда эди, у ҳолда мазкур пасайишни ижобий ҳолат сифатида баҳоласак бўлар эди. Аммо амалда тўлов топшириқномалари улушининг пасайиши мемориал ордер воситасида ўтказилган тўловлар миқдорининг ва умумий тўлов айланмасидаги улушининг ошганлиги билан изоҳланади. Мемориал ордер орқали амалга оширилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг умумий тўлов айланмасидаги улуши 2009 йилда 45,4 фоизни ташкил қилди. Бу эса, 2005 йилга нисбатан 5,2 фоизли пунктга юқори демакдир.

2005-2009 йилларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг инкассо, тўлов талабномаси, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар шаклларининг умумий тўлов айланмасидаги улуши жуда пастлигича қолди. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мазкур шакллари воситасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиётини такомиллаштириш борасида долзарб муаммоларнинг мавжуд эканлигидан далолат беради.

Энди биз давлат тижорат банклари ва акциядорлик-тижорат банклари активлари ва пасивларининг таркиби ва динамикасини кўриб чиқамиз.

2.5-жадвал

ОАТ “Агробанк” активларининг таркиби²³

(фоизда)

²³ ОАТ “Агробанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

№	Кўрсаткичлар	2004 й.	2005 й.	2006й.	2007й.	2008й.	2009 й.
1	Касса	19,9	25,4	23,6	0,8	2,1	1,3
2	Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	3,9	2,4	-	1,0	0,7	1,1
3	Кредит қуйилмалари	59,2	59,2	67,2	67,2	76,1	73,7
4	Банкнинг асосий воситалари	12,4	9,0	4,3	3,8	3,7	3,6
5	Бошқа активлар	4,6	4,0	4,9	27,2	17,4	20,3
	Жами активлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

2.5-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2004-2009 йилларда кредитларнинг банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2009 йилда кредитларнинг активлар ҳажмидаги салмоғи 2004 йилга нисбатан 14,5 фоизли пунктга ошган. Бу эса, биринчи навбатда, Агробанкнинг аграр соҳани молиялаштиришни амалга ошираётган етакчи банк эканлиги билан изоҳланади.

2004-2006 йиллар мобайнида кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи юқори бўлган. Бу салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки кассали активлар даромад келтирмайдиган активлар ҳисобланади. Аммо 2007-2009 йилларда кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини кескин пайтиришга муваффақ бўлинган. Кассали активлар салмоғининг пасайиши кредит қуйилмаларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини сезиларли даражада ошириш имконини берган.

2.5-жадвал маълумотларидан кўринадик, Агробанкнинг қимматли қоғозларга қилган инвестицияларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи кичик. Бу эса, банкнинг инвестицион операцияларининг ривожланиш даражасининг паст эканлигидан далолат беради ва активларнинг даромадлилигини ошириш нуктаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали Қишлоқ қурилиш банкнинг активлари таркибига баҳо берамиз.

2.6-жадвал


ОАТ “Қишлоқ қурилиш банк” активларининг таркиби²⁴

(фоизда)

№	Кўрсаткичлар	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007й	2008 й.	2009 й.
1	Касса	6,8	6,8	5,6	5,9	2,2	2,9
2	Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,1	0,1
	Кредит қуйилмалари	82,2	80,9	80,1	74,9	76,8	77,8
3	Банкнинг асосий воситалари	5,1	5,9	7,4	5,8	5,2	3,5
4	Бошқа активлар	5,9	6,4	6,9	13,4	0,5	0,6
5	Жами активлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

²⁴ АТ “Ғаллабанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2.6-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2004-2009 йиллар мобайнида Қишлоқ қурилиш банк активларининг таркибида кредитларнинг салмоғи юқори даражада қолган. Бу эса, ижобий ҳолат ҳисобланади ва банкнинг миллий ссуда капитали бозоридаги мавқеининг мустаҳкамлигидан далолат беради. Аммо 2004-2008 йилларда ушбу кўрсаткичнинг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ссуда капиталлари бозоридаги мавқеини ошириш нуктаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.



2.1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси таркиби ва динамикаси²⁵, %

2.1-расм маълумотларидан кўринадик, таҳлил қилинган давр мобайнида республикамиз тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғи юқорлигича қолди. 2008 йилда ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси 58,5 фоизни ташкил қилди. Бу эса, республикамиз тижорат банклари депозит базасининг етарли эмаслигидан далолат беради. Чунки, тижорат банклари депозит базаси етарли бўлиши учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги зарур. 2005-2008 йилларда муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу тенденциянинг юзага келиши мазкур давр мобайнида трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади ва пировард натижада республикамиз тижорат банклари депозит базасининг ҳолати ёмонлашаётганлигидан далолат беради.


2.1-расм маълумотларидан кўринадик, 2003-2008 йилларда республикамиз тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида жамғарма депозитлари салмоғи кичиклигича қолган. Ушбу ҳолат тижорат банклари пул маблағларини жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб қилиш операциялари ривожланмаганлигидан далолат беради. Аммо 2005-2008

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

йилларда мазкур кўрсаткичнинг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Шунингдек, ушбу давр мобайнида муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги тижорат банклари депозит базаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Муддатли ва жамғарма депозитлари халқаро банк амалиётида тижорат банклари ресурсларининг аксарият қисмини ташкил этади. АҚШ ва Ғарбий Европа тижорат банкларида муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 60 фоиздан ошади²⁶.

2.2-расм маълумотларидан кўринадик, 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига, ТИФ Миллий банки активларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра юқори ўринни кредитлар ва кассали активлар эгаллайди. Кредитларнинг активлар ҳажмида салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллаши ижобий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, кредитлар юқори даромадли активлар ҳисобланади; иккинчидан, кредитлаш тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади; учинчидан, тижорат банкининг соф фоизли даромади фоизли даромадлардан фоизли харажатлар суммасини айириб ташлаш йўли билан аниқланади. Ўз навбатида, тижорат банки фоизли даромадларининг асосий қисмини кредитлардан олинган фоизлар эгаллайди. Бу эса, кредитлардан олиннадиган фоизли даромадларнинг тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.




2.2-расм. Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки активларининг таркиби, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига (жамига нисбатан фоиз ҳисобида).

Шунингдек, расм маълумотларидан кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг юқори эканлиги кўриниб турибди. Бу эса, тижорат банклари активларининг ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланаид, аммо банклар активларининг даромадлилиги жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки кассали активлар даромад келтирмайдиган активлардан ва даромадлилик даражаси

²⁶ Банковское дело. Под. ред. Лаврушина О.И. - М: Финансы и статистика, 2004. - с. 88.

паст бўлган активлардан ташкил топади. Масалан, тижорат банкининг кассаларидаги нақд пуллар ва унинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғи даромад келтирмайдиган активлар ҳисобланади. Флоут эса, даромадлилик даражаси паст бўлган актив ҳисобланади.

Қуйидаги расм маълумотлари орқали АТ “Саноатқурилишбанк” активларининг таркибига баҳо берамиз.




2.3-расм. Акциядорлик-тижорат “Саноатқурилиш-банк” активларининг таркиби, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига (жамига нисбатан фоиз ҳисобида).

2.3-расм маълумотларидан кўринадики, АТ “Саноатқурилишбанк” активларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра юқори ўринларни кредитлар, кассали активлар ва бошқа активлар эгаллайди. Кредитларнинг активлар ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши банк активларининг даромадлилиги жиҳатидан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо кассали активларнинг брутто активлар ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши активларнинг даромадлилигини ошириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Банкларнинг бошқа активлари таркибида ҳисобланган, ундирилиши лозим бўлган фоизлар суммасининг катта салмоққа эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда, бошқа активларнинг брутто активлар ҳажмида юқори салмоққа эга эканлиги активларнинг ликвидлиги ва даромадлигини ошириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Банк амалиётида ҳисобланган фоизларни вақтида ундира олмаслик ҳолатларининг мавжудлиги фикримизни асослашга хизмат қилади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикамизнинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган АТ “Ипотекабанк” активларининг таркибига баҳо берамиз.




2.4-расм. Акциядорлик-тижорат “Ипотекабанк” активларининг таркиби, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига (жамига нисбатан фоиз ҳисобида).

2.4-расм маълумотларидан кўринадики, Ипотекабанк активларининг умумий ҳажмида кредитлар ва кассали активлар юқори салмоқни эгаллайди. Кассали активларнинг брутто активлар ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши банк активларининг даромадлилигини ошириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Аммо банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялари ривожланмаган ҳозирги шароитда кассали активлар республикаимиз йирик тижорат банкларининг жорий ликвидлигини таъминлашнинг зарурий шарти бўлиб қолмоқда.

Республикаимиз тижорат банклари 30 % даражасида жорий ликвидликни таъминлаш мақсадида “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида катта миқдорда пул маблағларини сақлаб туришга мажбур бўлишмоқда. Чунки мамлакатимиз тижорат банкларининг балансида юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи кичиклигича қолмоқда. Тараққий этган мамлакатларда, хусусан, Германия ва Франция мамлакатларининг банк амалиётида тижорат банкларининг жорий ликвидлиги асосан юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар орқали таъминланади. Битирув малакавий ишнинг биринчи бобида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, Ғарбий Европа мамлакатларида тижорат банкларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари улар активларининг 10 фоизидан юқоридир.


Юқорида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра юқори ўринларни кредитлар ва кассали активлар эгаллайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, кассали активларнинг юқори салмоққа эга эканлиги активларнинг даромадлилигига салбий таъсир кўрсатса, кредитларнинг юқори салмоққа эга эканлиги активларнинг ликвидлигини пасайтиради. Шу сабабли, республикаимиз тижорат банкларида кассали активлар ва кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгаришини таҳлил қиламиз.



**2.5-расм. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият
Миллий банкида кассали активлар ва кредитларнинг брутто активлар
ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши. %.**

2.5- расм маълумотларидан кўринадики, 2005-2009 йилларда кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи юқори даражада бўлган (2005 йил бундан мустасно). Бу эса, миллий банк активларининг даромадлилик даражасига салбий таъсир қилувчи омил ҳисобланади. Чунки, кассали активлар даромадлилик даражаси паст бўлган ва даромад келтирмайдиган активлардан ташкил топади. Бунинг устига, 2005-2009 йиллар мобайнида кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган.


2.5-расм маълумотлари кўрсатишича, 2004-2009 йилларида ТИФ Миллий банкида кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банк активларининг даромадлилик даражасини ошириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби, шундаки, биринчидан, кредитлар даромадлилик даражаси юқори бўлган банк активи ҳисобланади; Иккинчидан, кредитлар республикаимиз тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди; учинчидан, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялари ривожланмаган.



2.6-расм. Акциядорлик-тижорат “Саноатқурилишбанки”да кассали активлар ва кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши, %.

2.6-расм маълумотларидан кўринадики, Саноатқурилиш банкида 2005-2007 йилларда кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг даражаси юқори бўлган. Бу эса банк активларининг даромадлилигига салбий таъсир кўрсатади. Аммо 2007-2009 йилларда кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бунинг натижасида бўшаган пул маблағларини кредит сифатида жойлаштириш имкони юзага келган. Шу сабабли, мазкур даврда кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган.

2.6-расмдан кўринадики, 2006 йилда кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоқларнинг пасайиши кузатилган. Бу эса, кредитлар ва бошқа турдаги активлар (ҳисобланган фоизлар, асосий воситалар қоплаш манбалари)нинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг ошганлиги билан изоҳланади.



2.7-расм. Акциядорлик-тижорат “Ипотекабанки”да кассали активлар ва кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши, %.

2.7-расм маълумотларидан кўринадик, Ипотекабанкда 2005-2009 йиллар мобайнида кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи юқори даражада қолган. Бунинг устига, 2007-2009 йилларда ушбу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банк активларининг даромадлилигига салбий таъсир қилади.

Ипотекабанкда 2009 йилда кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 2007, 2008 йиллардагига нисбатан сезиларли даражада пасайган. Ушбу пасайиш мазкур даврда кредитлар ва ҳисобланган фоизларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг сезиларли даражада ошганлиги билан изоҳланади.

2.7-расм маълумотларидан кўринадик, 2006 йилда 2005 йилга нисбатан кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг пасайиши кузатилган. Ушбу тенденциянинг ўрта муддатли даврий ораликларда сақланиб қолиши тижорат банклари активларининг даромадлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради. Аммо 2006-2008 йилларда ушбу кўрсаткичнинг ўсиш тенденцияси кузатилган ва бу ижобий ҳолат ҳисобланади.

2.2. Тижорат банклари капиталининг етарлилик даражаси

Мамлакатда тижорат банклари капиталининг етарли эканлиги инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари кредитлари ҳисобидан молялаштириш ҳажмини ошириш имконини беради. Чунки тижорат банклари инвестицион лойиҳаларни кредитлашда кўпроқ капитал базасидан фойдаланади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкларининг капитал базасининг барқарорлиги уларнинг депозит базасининг барқарорлик даражасидан юқори ҳисобланади.

Халқаро Базел қўмитасининг экспертлари томонидан ишлаб чиқилган тижорат банклари капиталининг етарлилик коэффицентлари (умумий капиталнинг етарлилик коэффиценти, асосий капиталнинг етарлилик коэффиценти) халқаро банк амалиётида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг банк амалиётида кенг қўлланилмоқда.

2.7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банклари умумий капиталининг етарлилиги²⁷

Банклар	2005й.	2006й.	2007й	2008й	2009й
			.	.	.
ТИФ Миллий банки	0,31	0,26	0,29	0,31	0,28

²⁷ Мазкур тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Саноатқурилишбанк и	0,17	0,14	0,14	0,14	0,15
Агробанк	0,28	0,24	0,21	0,15	0,14
Асакабанк	0,40	0,31	0,32	0,24	0,21
Қишлоқ қурилиш банк	0,23	0,32	0,35	0,33	0,34

*** маълумотлар ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабр ҳолатига олинган.**

2.7-жадвал маълумотларидан кўринадик, республикамизнинг йирик тижорат банкларининг барчаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари умумий капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган норматив талаб бажарилган. Лекин айрим йирик тижорат банкларида капиталнинг етарлилик даражасининг таҳлил қилинган давр мобайнида пасайганлиги кузатилган. Бу эса, салбий ҳолат ҳисобланади ва банкларнинг тўловга қобиллик даражасининг пасайиб бораётганлигидан далолат беради.

2.8-жадвал


**Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банклари асосий
капиталининг етарлилиги²⁸**

Банклар	2005й.	2006й.	2007й	2008й	2009й
ТИФ Миллий банки	0,32	0,26	0,34	0,32	0,28
Саноатқурилишбанки	0,14	0,14	0,12	0,12	0,12
Агробанк	0,24	0,24	0,19	0,14	0,14
Асакабанк	0,40	0,30	0,32	0,28	0,26
Қишлоқ қурилиш банк	0,19	0,27	0,29	0,29	0,33

*** маълумотлар ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабр ҳолатига олинган.**

2.8-жадвал маълумотларидан кўринадик, республикамиз йирик тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари асосий капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган норматив талаб бажарилган. Лекин айрим йирик тижорат банкларида асосий капиталнинг етарлилик даражасининг таҳлил қилинган давр мобайнида пасайганлиги кузатилган. Бу эса, салбий ҳолат ҳисобланади ва банкларнинг тўловга қобиллик даражасининг пасайиб бораётганлигидан далолат беради.

²⁸ Мазкур тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.



2.8-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг регулятив капитали ва брутто депозитлари, млрд. сўм.

2.8-расм маълумотларидан кўринадики, 2005-2009 йиллар мобайнида республикада тижорат банкларининг регулятив капиталининг миқдори ҳам, брутто депозитларининг миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлди. Аммо таҳлил қилинган давр мобайнида депозитларнинг ўсиш суръатини умумий капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги тижорат банкларининг тўловга қобиллигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтириши мумкин.

Тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг миқдорини ошириш банкларнинг фойдаси миқдорининг камайишига олиб келади ва фойдани капиталлаштириш даражасига салбий таъсир кўрсатади.

АТ “Агробанк” жами берган кредитлари 114962,00 млн. сўмни ташкил қилиб, улардан 103786,082 млн. сўми яхши кредитлар, 773,861 млн. сўми субстандарт кредитлар, 141,713 млн. сўми шубҳали кредитлар, 48,408 млн. сўми умидсиз кредитларни ташкил қилади. (қаранг 17-жадвал). Берилган жами 114962,00 млн. сўмлик кредитнинг 963,982 млн. таснифланган кредитлар сирасига киради, бу жами берилган кредитга бўлган нисбатни 0,84% ини ташкил қилади. Бу банк учун 1334,018 млн. сўмлик захира ҳосил қилинишни талаб қилади.

Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, тижорат банки йилнинг охирида муаммоли кредитлар бўйича кўрилган зарарни ўз фондларини камайтириш ҳисобидан ва олдинги йилларнинг ишлатилмаган фойдасидан беркитиши керак. Портфелнинг таҳлили шуни кўрсатидики, портфелда муаммоли ссудалар унчалик юқори улушни ташкил қилмайди. Бу улуш кичкина бўлгани билан ҳар бир банк кредит портфелини классификация қилган пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк талабларига мувофиқ захира ташкил қилиши керак. Ҳозирги кунда баъзи бир тижорат банклари шу захираларни портфелдаги улуши кам бўлганлиги учун ташкил қилишмайди, оқибатда портфелдаги муаммоли кредитларнинг улуши кундан кунга ошиб бораверади.

Ўз вақтида қайтарилмаган кредитларни қайтариш чоралари изланилмаса ва тезлик билан чора тадбирлар кўрилмаса, банкнинг устав капиталига,

депозитга олинган маблағларга, омонатчиларга мизожларга катта зарар етказилади ва банк ўз мажбуриятлари устидан чиқолмасдан банкротлик даражасигача бориб қолиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун банк ходимлари томонидан кредитларни ўз вақтида назоратини узлуксиз равишда олиб бориш керак. Кредит портфелидаги ҳар бир кредит бўйича ўз вақтида назорат олиб борилса, ва назорат натижасида муаммоли кредит билан қайтариш ишлари ёки консултиватив кўринишдаги ишлар олиб борилса ўйлаймизки кредит портфели рискка тортилмайди. Кредитлар муаммоли кредитларга айланмасдан уларни таъминоти гаровга олинган мулкани сотувга қўйиш ёки кредитни кафолатлаган шахслардан ўз мажбуриятлари устидан чиқишни талаб этишлари керак. Ҳар бир тижорат банки ўз кредитларини қайтмаслигини олдини олиш учун юқорида кўрсатиб ўтилган усуллар билан захира ажратмаларини ажратиб боришлари керак. Ушбу захиралар, тижорат банкларини балансида умидсиз бўлиб қолган кредитларни беркитиш учун ишлатилади. Бу захира ажратмаларини ва кредит портфелини ўз вақтида мониторинг олиб борилиши банкнинг ликвидлилигини сақлаб туради.

Ҳозирги кун амалиётдан келиб чиққанда кредит портфелидаги ссудаларга захира ажратмаси яхши йўлга қўйилмаган, ва банк портфелларини таҳлил қилганда муаммоли ссудаларнинг очиқ ойдин ёритилмаслиги ёмон оқибатларга олиб келмоқда.

Бунинг натижасида муддати келган кредитнинг ёпилишида кредит олувчи суммани қайтаришга қодир эмаслиги келиб чиқади ва банк маълум бир зарарлар кўради. Агарда захиралар минимал равишда ташкил қилинган бўлса, бундай ҳолатларда муаммоли ссудалар пайдо бўлганда унинг маълум бир қисмини қоплайди ва банк фаолиятига унча катта зарар етмайди. Текшириш жараёнида захира ташкил қилинганлиги тўғри бўлса ва захира ташкил қилинган кредит суммаси муддати ўтган қарзларга қўшилиши ва бунинг натижасида умидсиз деб тан олиниши, бундай ҳолларда бу кредитлар банк Кенгаши томонидан баланс ҳисобидан чиқарилади. Балансдан чиқарган ҳолда захира етмаган суммасини “захира ва захира фондида бўлмаган кредит қарзлари бўйича харажатлар” счетига беркитилади. Шунингдек захира ҳисобига ёпилмаган балансдан чиқарилган асосий қарзнинг балансдан ташқари счетига 91803 “зарарга чиқарилган қарзлар” ўтказилган бўлиши керак ва у ҳисоб қолган 5 йил ичида ҳисобланади.

Асакабанкнинг капиталини пассивлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш пассивлар ва капиталнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги фарқни бартараф этиш заруриятини юзага келтиради.

Тижорат банкларининг ҳисоботларида капиталнинг етарлилиги ва бошқа сифат кўрсаткичлари хусусида нореал маълумотларнинг мавжудлиги инвесторлар ва Марказий банк учун жиддий муаммоларни юзага келтиради. Чунки Марказий банк миллий банк тизимининг барқарорлиги учун жавобгар ҳисобланади, шу сабабли, Марказий банкда банк тизимининг тўловга қобиллиги ва ликвидлилиги хусусида сохта тасаввур ҳосил бўлади. Инвесторлар учун эса, бунинг оғир оқибатларидан бири уларда банк

акциялари бозор баҳосининг шаклланиши ва улардан олинадиган даромадларнинг ўсиши хусусида нотўғри тасаввур ҳосил бўлади.

Ушбу муаммо хорижий мамлакатларнинг банк амалиётида ҳам мавжуд бўлиб, тижорат банклари капиталининг етарлилиги тўғрисида ижобий хулоса чиқариш имконини беради. Масалан, Япониянинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган Сумитомо банкининг Нью Йоркдаги филиали бошқарувчиси ўн йил мобайнида қимматли қоғозлар билан операциялардан филиал кўрган зарарни яшириб келган. Ўн йил давомида зарар миқдори бир миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Демак, ўн йил давомида жорий йил фойдаси бир миллиард АҚШ долларига камайиши ва бу сўммага захиралар миқдори ташкил қилиш лозим эди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда кредитлардан кўрилган зарарларни қоплаш мақсадида ташкил қилинадиган захираларнинг миқдори кўпчилик ҳолларда таснифланган кредитлар миқдorigа тўғри келмайди. Бундай ҳолларда тижорат банклари томонидан онгли равишда захираларни етарли миқдорда ташкил этмаслик ҳоллари юзага келади. Яна шундай ҳолатлар мавжудки, кредитларни таснифлашда банк ходимлари томонидан хатоликларга йул қўйилади. Бунда муддати ўтган ссудалар муддатли ссудалар ҳисобварағида ҳисобга олиб борилаверади. Натижада таснифланган кредитларнинг ҳақиқатдаги умумий миқдори балансда акс этган сўммага нисбатан сезиларли даражада юқори бўлади.

- Тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантириш ва унинг минимал даражасига нисбатан қўйиладиган талаблар хусусида ягона ёндошувнинг мавжуд эмаслиги.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, тижорат банклари капиталини шакллантириш ва уларнинг минимал даражасига қўйиладиган талаблар хусусидаги халқаро Базел андозалари дунёнинг бир қатор мамлакатларида тўлиғича қабул қилинмаяпти. Масалан, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари жами капиталининг таркиби ва етарлилигига қўйиладиган минимал талаб бўйича халқаро Базел андозаларидан сезиларли даражада фарқ қилувчи жиҳатлар мавжуд. Худди шундай ҳолатни Россия, Швейцария, Япония ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг банк амалиётида ҳам кузатиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, халқаро Базел андозаларини Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида янада тўлароқ жорий этиш лозим. Акс ҳолда тижорат банк капиталини бошқариш самарадорлиги хусусида ягона ёндошувни шакллантириб бўлмайди.

Тижорат банки капитали таркибини шакллантиришда АҚШ Федерал захира резерви томонидан ишлаб чиқилган методикада халқаро Базел андозаларидан фарқ қилувчи жиҳатлар анчагина. Бизнинг фикримизча, халқаро Базел андозаларида кўзда тутилган асосий капиталнинг таркиби АҚШ Федерал захира резервининг методикасида кўзда тутилган асосий капиталга нисбатан анча барқарордир.

Шунингдек, тижорат банкларининг капитал захираси хусусида ҳам халқаро банк амалиётида ягона ёндошув мавжуд эмас. Капитал захираси тижорат банки устав капитали миқдorigа ташкил этилади. Лекин, унинг мақсади ва ишлатилиш соҳаси хусусида аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас. Кўпчилик ривожланган давлатларда капитал захираси ташкил этилмайди.

Капитал захираси асосан ривожланаётган мамлакатларнинг банк амалиётида кенг қўлланилади.

Капитал захираси моҳиятига кўра банк устав капитали миқдорини оширишни таъминловчи молиявий манба ҳисобланади. Уни банк фойдаси ҳисобидан ташкил этиши акциядорлар умумий йиғилишининг қарорини кутиб ўтирмасдан, устав капитали каби барқарор молиялаштириш манбаига эга бўлиш имконини беради.

Тижорат банклари томонидан ҳақиқатда тўланадиган дивиденднинг реал миқдори дивиденд сиёсатини амалга оширишда қўйиладиган асосий масалалардан ҳисобланади. Банкнинг актив операцияларидан олинадиган даромадларнинг кўпайиши унинг рентабеллик даражасига ва, пировардида, унинг дивиденд сиёсатига ижобий таъсир кўрсатади.

Банк ҳисобот даврининг якуни бўйича олган маълум миқдордаги фойдасини барча зарур мақсадларга қилинган ажратмалардан сўнг, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ, оддий ва кумулятив имтиёзли акциялар бўйича дивиденд тўлашга йўналтиради. Демак, дивидендлар соф фойда ҳисобидан тўланади ва банк молиявий –хўжалик фаолиятида соф фойданинг юзага келмаслиги дивидендларнинг тўланмаслигига ва унинг оқибатида банк акцияларининг бозор баҳосининг пасайишига сабаб бўлади. Кўпчилик ҳолларда, банк акцияларининг бозор баҳосининг пасайиб кетиши акциядорлар томонидан акцияларни қайтариб топширилишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида, банкнинг устав капиталининг миқдорини камайишига олиб келади. Агар устав капиталини барқарор молиялаштириш манбаи эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу ҳолат банкнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлилигига салбий таъсир қилишини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон тижорат банкларида жами капиталини таҳлил қилганимизда, тақсимланмаган фойданинг жами капиталдаги улуши 01.01.2007 йилда 01.01.2004 йилга нисбатан 4,6 фоизга камайганлигини гувоҳи бўлдик. Банкларнинг соф фойдаси ҳажмининг камайиши юз бермаган шароитда тақсимланмаган фойданинг жами капиталдаги улушининг пасайиши Ўзбекистон тижорат банкларининг самарали дивиденд сиёсатини олиб бораётганлигидан далолат беради. Айни вақтда, тақсимланмаган фойда салмоғининг пасайиши тижорат банкларининг жорий йил фойдасининг кескин камайиши оқибати бўлиши ҳам мумкин.

Акциядорлар тижорат банклари дивиденд сиёсати орқали пул маблағларини банкларнинг устав капиталига жойлаштириш хусусидаги қарорларини қабул қилади. Агар, тўланаётган дивиденд суммаси акциядор кутаётган миқдордан кам бўлса, бундай ҳолатда улар акцияларнинг бир қисмини сотиб, олинган тушумни жорий харажатларини молиялаштиришга сарфлайдилар. Агар улар, дивиденд тўлови эвазига мўлжалидан ортиқча маблағга эга бўлсалар, у ҳолда, олинган дивидендни янги акциялар сотиб олишга йўналтирадilar. Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики, банк томонидан олиб борилаётган дивиденд сиёсатига акциядорлар томонидан мустақил равишда ҳулоса чиқарилади. Акциядорлар томонидан чиқарилган ҳулоса банк капиталининг таркиби ва миқдорига кескин таъсир қилади.

ОАТ «Агробанк»да дивиденд даражаси 2002-2007 йиллар мобайнида деярли ўзгармаган, яъни дивиденд улуши фойдага нисбатан 2002 йилда 35,5 фоиз, 2007 йилда 32,0 фоизни ташкил этган. Албатта, дивиденд тўлови динамикаси пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган.

Кўриниб турибдики, банкнинг ҳисобот даврида олган фойдаси ўсиб борган бўлишига қарамасдан, унинг дивиденд миқдори нисбатан пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган.

Инвесторлар банкнинг акциялари учун тўланаётган дивиденд тўловидан ташқари, тўланаётган сумманинг барқарорлигига катта эътибор беришади. Дивиденд тўловининг барқарорлиги деганда, ҳисобот даври мобайнида тўланган дивиденд миқдорининг ўзгариши эътиборга олинади. Дивиденд миқдорининг ўсиб бориши банкнинг қимматли қўғозлари қийматини ўсишига ва банкнинг акцияларини иккиламчи молия бозоридаги олди-сотдисига ижобий таъсир қилади.

Тадқиқотнинг иккинчи бўлимида Ўзбекистонда иккиламчи молия бозорининг ривожланмаганлиги тижорат банклари жами капитали таркибида эмиссион даромадларнинг шаклланаётганлигига сабаб бўлаётганлиги таҳлил қилинган эди. Демак, барқарор дивиденд сиёсатининг олиб борилишига таъсир қилувчи асосий омиллардан бўлган дивиденд тўловининг миқдори, кўп жиҳатдан, иккиламчи молия бозорининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқдир. Ушбу масала тижорат банкларининг капиталини самарали бошқариш ва унинг таркибини шакллантириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Дивиденд сиёсати бўйича қарор қабул қилишда тижорат банкларининг ликвидлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки дивиденд учун тўланаётган сумма тўғридан-тўғри банк капиталини камайишига олиб келади. Маълумки, тўланаётган дивиденд суммаси тижорат банкининг тақсимланмаган фойдасига таъсир қилади, тақсимланмаган фойда ўз навбатида, банкнинг биринчи даражали капиталининг асосий элементи ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида, дивиденд сиёсатини банк капитали миқдорини камайтирмасдан амалга ошириш мақсадида қуйидаги учта усулдан фойдаланилади:

а) дивидендларни инвестиция қилиш;

Ушбу усул банк капиталини ошишига олиб келади. Банк капиталининг ошиши унинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади, лекин унинг даромадини ўсишига тўғридан-тўғри таъсир этмайди. Чунки банк капиталининг ошиши унинг ҳимоя функциясини мустаҳкамлаб, банкнинг молия бозоридаги иқтисодий мавқеини кўтариш билан бирга, иккиламчи молия бозоридаги қатнашувини жадаллаштиради.

б) дивидендларни банкнинг акциялари билан тўлаш;

Албатта, дивиденд сиёсатини олиб боришда ушбу усул ҳам банк капитали миқдорининг ошишига хизмат қилади. Лекин банкнинг молия бозоридаги акциялари курсига таъсир ўтказди. Биринчидан, банкнинг акцияларини сотиб олишга бўлган талабнинг камайишига олиб келади, бу эса банкнинг акцияларини баҳосини тушириб юборади. Иккинчидан, банк акциядорлари ва молия бозорининг бошқа қатнашчиларида банкнинг дивиденд сиёсатига нисбатан ишончни пасайишига олиб келади. Демак,

ушбу усулни қўллашда банк акциядорларининг ҳисобот йиғилишидаги қарори муҳим роль ўйнайди. Унга кўра, банкнинг дивиденд тўловлари ўрнига акциялар берилиши молия бозорида ва акциядорлар ўртасида банкнинг акцияларига бўлган талаб асосий эътиборга олинган ҳолда қарор қабул қилинади. Ушбу ҳолатда, банкнинг акциялари молия бозорида номинал баҳоларда сотилиши, банкнинг дивиденд сиёсатига ва унинг акциялари баҳосига салбий таъсир ўтказмайди. Шу билан бирга, банкнинг жами капитали таркибидаги эмиссион даромадларини вужудга келмаслигига олиб келади.

Тадқиқотнинг олдинги бўлимларида тижорат банклари жами капиталининг таркибида эмиссион даромаднинг мавжуд эмаслиги ва унинг сабаблари ҳақида тўхталган эдик. Демак, бунинг асосий сабабларидан бири бўлиб, банк томонидан муомалага чиқарилган акцияларни иккиламчи фонд бозорида олди-сотди операциялари етарлича эмаслиги ёки акцияларнинг номинал баҳода (ёки ундан ҳам паст баҳода) сотилаётганлиги ҳисобланади. Ўзбекистон тижорат банклари амалиётида, айрим ҳолларда, банк акцияларини сотиб олиниши эвазига имтиёзли кредитлар бериш ҳоллари ҳам учрайди. Бу эса, банк капиталини ва активларини бошқариш сифатига салбий таъсир кўрсатади.

в) банк ходимларига ҳисобланган дивидендларни банк акциялари билан қоплаш;

Ушбу усулнинг асосий афзалликларидан бири шуки, биринчидан, банк ўз капитал базасини кўпайтиради, иккинчидан, ходимларнинг банк фаолиятини ривожлантиришга қизиқишини орттиради, яъни, банк фаолиятини бошқаришда банк ходими ва унинг раҳбари ўртасида ўзаро манфаатдорлик вужудга келади. Ушбу ҳолат банк капиталини самарали бошқаришга ва унинг молия бозоридаги фаолиятини рақобатбардош бўлишига хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу усулнинг яна бир асосий кулайликларидан бири молия бозорида акцияларни жойлаштириш учун брокерлик харажатларининг камайиши ҳисобланади. Хорижий банк амалиётида ушбу усул жуда ривожланган бўлиб, бунинг асосий сабабларидан бири солиқ органлари томонидан банк ходимларининг капитални шакллантиришга йўналтирган маблағларига нисбатан солиқ имтиёзларини белгиланганлигидир.

Шунга қарамасдан, банк тизимининг ривожланиши натижасида, келгусида ушбу масала жуда долзарб мавзуга айланиб хизматчиларнинг иш сифатига ва самарадорлигига катта таъсир қилади, шу билан бирга ходимлар томонидан раҳбарият қабул қиладиган қарорларни назоратини кучайтириш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Халқаро банк амалиётидан маълумки, дивиденд сиёсатини юритишнинг асосий омиллардан бири, етарли даражада ахборотларга эга бўлиш, уни қийматини баҳолай олиш ва дивиденд тўловларининг амалиётдаги самарасини таҳлил қилиши ҳисобланади. Банк, фойдасининг тушиб кетишига қарамасдан, молия бозорида дивиденд тўловларини камайтирмаслиги унинг акцияларига нисбатан фонд бозорлари ишонч билан қарашига асос бўлади. Демак, банкнинг барқарор дивиденд сиёсатини юритиши, банк фойдасининг тушиб кетган бўлишига

қарамасдан, акциядорлар унинг келажигига ишонч билан қарашига сабаб бўлади. Шундай қилиб банк бошқарувчилари, молия бозорида барқарор дивиденд сиёсатини юритиш натижасида молиявий қийинчиликларни вақтинчалик енгиб ўтиши мумкин. Албатта, банк ушбу ҳолатни молиявий бозорда узоқ вақт ушлаб туролмайди, натижада банкнинг молиявий муаммолари унинг дивиденд сиёсатидаги нобарқарорликларни юзага келтиради.

Халқаро банк амалиётида шу нарса намоён бўладики, тижорат банкларининг дивиденд сиёсатини муваффақиятли тарзда амалга оширишни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири миллий валютанинг алмашув курсини ва инфляция даражасини барқарорлиги ҳисобланади. Ҳар бир акциядор банкнинг устав капиталига қўйган маблағининг реал қиймати сақланишидан манфаатдордир. Ушбу маблағнинг реал қиймати эса инфляция ва алмашув курсининг тебранишига боғлиқ бўлади. Инфляция даражасининг ошиши ва миллий валюта алмашув курсининг пасайиши миллий валютада ёзилган акцияларнинг реал қийматини пасайишига олиб келади. Агар, тижорат банки томонидан тўланаётган дивидендлар даражаси инфляция ва миллий валютанинг алмашув курсини ўзгариши натижасида пасаядиган қийматни ўрнини қоплашга етмаса, у ҳолда бу банк акцияларига бўлган талаб кескин пасаяди. Бу ўз ўрнида, банкнинг муомаладаги акциялари бозор баҳосининг пасайишига ва янги акциялар чиқариш ҳисобидан устав капитали ҳажмини ошириш имкониятини чекланишига олиб келади. Бунинг устига, акциядорларнинг маълум қисми ихтиёридаги оддий акцияларни сотиш пайига тушиб қоладилар, бунинг натижасида банк устав капиталининг миқдори камаяди. Шунинг учун ҳам, ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида акцияларга дивиденд тўлашда инфляция даражаси албатта ҳисобга олинади. Лекин миллий валютанинг алмашув курсини дивиденд тўлашда ҳисобга олиш халқаро банк амалиётида қўлланилмайди.

Ғарбий европа мамлакатларида, АҚШ ва Японияда инфляциянинг муътадил даражаси сақлаб турилади. Агар, инфляциянинг йиллик даражаси 3 фоиздан ошмаса, унинг даражаси муътадил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мазкур мамлакатларнинг тижорат банклари фаолиятида инфляция муаммоси деярли учрамайди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий қисмида инфляциянинг нисбатан юқори ва нобарқарор даражаси сақланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам, мазкур мамлакатларда банк акцияларини қулай баҳоларда иккиламчи фонд бозорларида сотиш муаммоси ўзининг долзарблигини сақлаб турибди. Мазкур муаммоларнинг натижаси ўлароқ, ушбу мамлакатларда хорижий валюталарда ёзилган банк акцияларига бўлган талаб юқоридир.

Ривожланаётган мамлакатларда тўлов балансининг сурункали дефицитга эга эканлиги миллий валюталарнинг алмашув курсларини доимий равишда тебранишига сабаб бўлмоқда. Бу жараён миллий валютада ёзилган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг реал қийматини пасайишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, ривожланаётган мамлакатларда миллий валюта курсининг барқарорлигини сақлаб туриш мақсадида тўлов балансининг ҳолатига катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон тижорат банкларининг дивиденд сиёсати учун валюта курси муаммоси юзага келиши мумкин. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, ҳукумат 2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб тўлов балансининг жорий операциялари бўйича сўмни хорижий валюталарга эркин алмашишини жорий этилганлигини маълум қилди; иккинчидан, валюта курсларини унификация қилиниши натижасида миллий валюта курсининг сезиларли даражада тебраниш ҳоллари кузатилмоқда.

Тижорат банкларининг хорижий валюталарда амалга ошириладиган дивиденд тўловлари улар учун маълум муаммоларни юзага келтириши мумкин. Ана шундай муаммолардан бири сифатида миллий валюта курсининг пасайиши шароитида банкларнинг дивидендлар тўлаш билан боғлиқ харажатларининг ошишини алоҳида кўрсатиш мумкин. Бунда, банкларнинг дивиденд тўлаш мақсадидаги харажатларининг умумий ҳажми ошади.

Мазкур тоифадаги иккинчи муаммо тўланиши лозим бўлган дивидендларни репотрация қилиш муаммосидир. Муаммонинг моҳияти шундаки, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда миллий валютадаги суммани эркин алмашадиган валютага конвертация қилиб, уни хорижий инвесторга дивиденд сифатида ўтказиб бериш муаммоси мавжуд. Ушбу муаммо жорий валюта бозорининг ликвидлилик даражасининг пастлиги билан изоҳланади.

Халқаро банк амалиётида, банк акцияларига дивиденд тўлашда листинг талабларини бажармаслик муаммоси мавжуд. Ушбу муаммонинг моҳияти шундаки, айрим тижорат банклари фонд биржаси томонидан қўйилган листинг талабларини бажармаслик ҳолларига йўл қўядилар. Бунинг натижасида инвесторлар банкнинг молиявий ҳолатидаги жиддий ўзагришларни ўз вақтида аниқлаш имкониятига эга бўлмайдилар.

Мазкур тоифадаги тўртинчи асосий муаммо, хорижий валюталарда ёзилган банк акцияларини халқаро фонд бозорларида жойлаштириш муаммосидир. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро фонд бозорларида мамлакат рейтинги мавжуд эмас. Бу эса молиявий жиҳатдан барқарор бўлган банкларнинг ҳам акцияларининг бозор баҳосига салбий таъсир қилади.

2.3. Муаммоли кредитларнинг таркиби ва динамикаси

Тижорат банклари кредит портфелининг самарадорлик даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғини ўзгариши ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган мўътадил даражаси 3 фоизни ташкил қилади. Унинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси эса, 5 фоиздан ошмаслиги лозим.

Агар бу кўрсаткичнинг даражаси 3 фоиздан ошса, бу ҳолат банкнинг кредит портфелини сифат даражасини ёмонлаша бошлаганлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг камайишига олиб келишини англатади. Бу борада иқтисоحي олималардан проф. Ш.Абдуллаева «Банк рисклари ва кредитлаш» номли

монографиясида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қуйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ошиши - кредит рискининг даражасини тавсифловчи муҳим ўрсаткичлардан бири ҳисобланади деб таъкидланган. Гарчи кредитлар бўйича ҳосил қилинган заҳиралар кредит рискларининг амортизатори вазифасини бажарсада, банкнинг тўловга қобиллигига тўғрдан-тўғри хавф солади. Чунки кредитларнинг юқори рисклилиқ даражаси банкнинг ўз маблағларини маълум қисмини йўқотилишига олиб келиши мумкин²⁹.

Бизнинг фикримизча, муддати ўтган кредитлар ва кредит рискига қарши ҳосил қилинган заҳиралар тўғрисидаги мазкур фикр республикамиз банк амалиётидаги реал воқеликни ўзида мужассам эттирган.

Муддати ўтган ссудаларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш соф кредитлар кўрсаткичидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бизга маълумки, соф кредитлар деганда «брутто» кредитларнинг заҳира ажратмалари суммасига камайтирилган қисми тушунилади. Соф кредитлар ҳақиқатда ҳаракатда бўлган, яъни фоиз келтираётган кредитларнинг миқдорини кўрсатади. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳира ажратмаларининг миқдори эса, ишламаётган, яъни ҳаракатда бўлмаган кредитлар миқдорини билдиради.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик даражаси юқори бўлиб, 2009 йил 1 январ ҳолатига кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг умумий ҳажми ЯИМга нисбатан 2,7 %га тенг бўлди, банк активларига нисбатан эса 7,9%га тенг бўлди.³⁰ Бундай ҳолат эса, банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга, яъни банкнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга, банк кредит ресурсларининг айланишига салбий таъсир кўрсатади.

2005-2009 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари муддати ўтган кредитларининг кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлди. 2009 йилда ҳам бу кўрсаткичнинг даражаси юқори бўлди. Мазкур ҳолатлар республикамизда муддати ўтган кредитлар муаммосининг чуқурлашганлигидан далолат беради ва иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга салбий таъсир кўрсатади. Лекин 2009 йилда муддати ўтган кредитлар салмоғи кўрсаткичи 2008 йилга нисбатан пасайиш суръатига эга бўлди. Бу эса, узоқ муддатли инвестицион кредитларнинг қайтарилаётганлиги билан изоҳланади. Чунки республикамиз тижорат банклари муддати ўтган кредитларининг 98,9%и ТИФ Миллий банкининг ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга муддати ўтган кредитлар салмоғи ДАТ “Асака” банкида бошқа банкларга нисбатан юқорироқ. Бу албатта банклар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ва имкон қадар унинг салмоғини камайтириш ҳамда тугатиш чораларини кўриш лозим.

ОАТ “Агробанк”да таҳлил қилинган давр мобайнида қайтарилиш муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қуйилмалари ҳажмидаги салмоғи 2002-2004 йиллар мобайнида ўсиш тенденциясига эга бўлган.

²⁹ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.-Тошкент:Молия, 2002-137-138-бетлар.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2005 йилдан бошлаб ОАТ “Агробанк”да муддати ўтган кредитлар муаммосини ҳал қилишга муваффақ бўлинган.

ОАТ “Агробанк” кредит портфелида саноат, қишлоқ хўжалиги ва моддий-техника таъминоти тармоқларига берилган кредитлар юқори салмоқни эгаллайди. Гарчи моддий-техника таъминоти алоҳида тармоқ ҳисоблансада, лекин у қишлоқ хўжалигининг моддий техника таъминоти билан боғлиқ. Шу сабабли, қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашуви моддий техника таъминоти корхоналарининг молиявий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади.

Кредитларнинг асосий қисми бир – бири билан бевосита боғлиқ бўлган соҳаларга жойлаштирилган. Хусусан, “Агробанк” томонидан кредитлар қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи «Ўзпахтасаноат», “Ўзагромашсервис”, “Қишлоқхўжаликқимё” ХАЖлари ҳамда “Ўзбек ипаги” уюшмалари ва улар тизимидаги корхоналарга ажратилган.

2005 йил давомида “Пахтасаноат” уюшмаси тизимидаги корхоналарга жами 31,2 млрд. сўм, “Ўзагромашсервис” уюшмаси тизимидаги корхоналарга 21,5 млрд. сўм, “Қишлоқхўжаликқимё” тизимидаги ташкилотларга 11,4 млрд. сўм ва “Ўзбек ипаги” уюшмаси тизимидаги корхоналарга 1,6 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган³¹.

Бизга маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга бўлиб, об-ҳавони ёмон келиши оқибатида мўлжалланган ҳосил етиштирилмаслиги мумкин. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ишлаб чиқариш режаларини бажара олмайдилар. Бу эса, ўз навбатида, ушбу корхоналар томонидан олинган банк кредитларининг қайтмаслик эҳтимолини кучайтиради.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона хом-ашё етказиб берувчи корхонага боғланиб қолмаслиги керак. Агар хом-ашё етказиб берувчи корхоналар кам бўлса, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонанинг иши секинлашади ва хом-ашё монопол нархда сотиб олинади, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи қимматга тушиб кетади ва натижада баҳоларнинг ошиши сабабли маҳсулотга талаб камаяди. Бу ҳам корхоналар олган кредитларини қайтарилмаслик рискинни оширади.

Кредитлаш жараёниларида Банк кредит қўмиталарининг, айрим ҳолларда, ўз ваколати ва вазифасига совуққонлик ва маъсулиятсизлик билан қараш ҳоллари юз бермоқда. Бу омил тижорат банклари кредит бериш механизмининг асосий боғловчи ва муҳим элементидир. Бошқачароқ қилиб айтганда, айнан кредит қўмитаси кредит бериш жараёнида ҳал қилувчи ролни бажаради. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит комиссиясининг 1995 йил 10 июль 1210-76-сонли мажлис баённомасига асосан, республика Марказий банки томонидан тайёрланган “Кредит қўмитаси тўғрисида”ги Низом талабларини ҳозирда тижорат банклари кредит қўмиталари томонидан амалда фақатгина расмийатчилик юзасидангина бажариш ҳоллари ҳамон учраб турмоқда.

Мазкур Низом талабига кўра, кредит қўмиталари унга кредит нозири томонидан тақдим этилган кредит йиғма жилдидаги ҳужжатларни тўла

³¹ АТ “Пахтабанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

таҳлил этгачгина қарор қабул қилишлари, қарор қабул қилганда ҳам юз фоиз овоз берилгандагина кредит бериш учун қарор қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Афсуски, айрим тижорат банкларида кредит қўмитаси мажлислари ўтказилмай, расмийлик учун тузилган баённомаларга имзо қўйиш ҳоллари ҳамда қўмита аъзолари юз фоиз овоз бермаган ҳолларда ҳам кредит бериш юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Айнан шундай ҳолатлар ҳам муаммоли кредитлар миқдорини янада ошишига олиб келмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, охириги йилларда республика тижорат банклари кредит қўйилмалари таркибида муддати ўтган кредитлар салмоғи ошиб бормоқда. Масалан, ўтган йил бўйича муддат ўтган кредитларни таҳлил қиладиган бўлсак, бу 9,5 фоизни ташкил этган. Бу жуда юқори кўрсаткич ҳисобланиб, банк тизимига ўз таъсирини кўрсатади.

Кредитлаш амалиётига тижорат банклари ходимларининг кредит олувчи хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботини тўғри ва ҳаққоний таҳлил этиш учун малака ва тажрибасининг етишмаслиги ҳам таъсир кўрсатади. Бу шубҳасиз, муаммоли кредитларни ва кредит маблағларини ўз вақтида унмаслик ҳолатини вужудга келтирувчи бош омиллардан биридир. Чунки хўжалик субъектлари билан амалий ишлаш тажрибасига эга бўлмаган банк ходими томонидан тайёрланган кредит йиғма жилди доимо қўшимча назоратни талаб этади. Лекин банкларда хизмат турларининг кўплиги ва энг асосийси, хўжалик субъектлари билан ишлашда амалий тажрибаси бўлмаган ходимларга мураббийлик қилувчи устоз ходимларнинг етишмаслиги натижасида малака ва тажрибасиз ходимлар ҳулосаси асосида молиявий аҳволи ночор бўлган корхоналарга кредит бериш ҳолатлари юзага келмоқда. Чунки, хўжалик субъектлари билан ишлашда малака ва тажрибаси бўлмаган ходимлар кредит олувчининг ҳисоботларини таҳлил этишда кўпроқ компютерга жойлаштирилган дастурлардан фойдаланадилар. Бу эса, кўпинча кредит олувчининг молиявий аҳволини тўлиқ ва тўғри баҳолаш имконини бермайди.

Мижозлар томонидан кўпинча ўзларининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини юқори қилиб кўрсатиш мақсадида ҳисоботлардаги кўрсаткичларни асоссиз ўзгартириб тақдим этиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Компютер банк ходимлари ишини анча енгиллаштирди. Лекин компютер инсон меҳнатининг маҳсули эканлигини унутмаслигимиз керак. Чунки компютердаги дастурлардан онгли равишда фойдаланилган тақдирдагина иш унумли бўлади.

Банк ходимлари корхонанинг баланс ҳисоботлари тўғри тузилганлигини аниқлаганларидан сўнггина компютер дастуридан фойдаланишлари зарур. Лекин банк ходимлари баланс ҳисоботларидаги кўрсаткичларнинг ҳаққонийлигини, актив ва пасив қисмдаги қийматларнинг ўзаро боғланиш асосларини текширмай туриб, компютер дастурлари орқали корхонанинг тўлов қобилятини, кредитга лаёқатлилигини аниқлайдилар. Натижада, корхона томонидан ҳаққоний бўлмаган кўрсаткичлар асосида тақдим этилган ҳисоботларнинг таҳлил натижасига кўра кредитга лаёқатлилиги уларни биринчи ёки иккинчи синф тоифасига киритилишига олиб келмоқда. Банк ходими эса, компютер дастурида аниқланган натижалар асосида кредит

кўмитасига ижобий хулоса беради. Кредит кўмитаси ҳам банк кредит нозирининг мазкур хулосасига таянган ҳолда кредит бериш юзасидан ижобий қарор қабул қилади. Натижада, банк кредити аслида молиявий аҳволи қониқарсиз ёки ночор бўлган хўжалик субъектига «ишонч» асосида ёки ноликвид таъминот асосида берилади. Демак, берилаётган кредит мижозга расмийлаштирилаётган давридаёқ муаммоли кредит мазмунига эга бўлади.

Кредитлаш амалиётини ривожланишига таъсир қилувчи яна бир сабаб, тижорат банклари кредит бўлинмалари ходимлари ўртасида хизмат вазифалари тақсимотини тўғри ташкил этилмаганлигидир. Банк муассасалари банклараро рақобатда нафақат ўз ўрнини сақлаб қолиш, балки етакчи банклар қаторидан жой олиш мақсадида шунингдек, мижозлар кўнглига қараш мақсадида, деярли кун бўйи уларга хизмат қилиш тартибини жорий этмоқдалар. Натижада, кун бўйи мижоз топшириғи билан банд бўлган кредит бўлинмаси ходимларини мижозларнинг хўжалик-молиявий фолиятини таҳлил этиш билан шуғулланишга вақт ажратиши қийин кечмоқда. Бу эса, банк учун мижознинг хўжалик-молиявий фаолиятида юз бераётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўлмаслик ҳолатини келтириб чиқармоқда. Банкнинг мижозни хўжалик – молиявий фаолиятида юз бераётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўлмай туриб, мижозни кредит маблағи ҳисобига ишлаб чиқарган ёки ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотига талаб даражасини ўрганиб чиқмасдан, маҳсулотни ишлаб чиқариш қувватини таҳлил этмай туриб кредит бериши, албатта, муаммоли кредитлар вужудга келишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг олдинги бобларида амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатадики, биз таҳлил қилган банкларнинг ликвидлилини таъминлаш ва мустаҳкамлашда муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал қилишга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Республикамиз тижорат банкларида кассали активларни йирик миқдорда тўпланиб қолишига йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун, аввало, тижорат банкларининг депозит базаси таркибида муддатли депозитлар ва жамғарма депозитлари салмоғини ошириш лозим. Бунинг натижасида трансакцион депозитларнинг депозитлар умумий ҳажмидаги салмоғи пасаяди. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобварақларида йирик миқдордаги пул маблағларини сақлаб туриш заруриятидан халос қилади.

Бизнинг фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг депозитлари ҳажмида муддатли ва жамғарма депозитлари ҳажмини ошириш учун реал имкониятга эгадирлар. Яъни, улар юқори фоизли маржада фаолият кўрсатмоқдалар. Республикамиз тижорат банкларида фоизли маржанинг ўртача миқдори 8-10 фоизли пунктни ташкил қилади. Холбуки, Ғарбий Европа тижорат банкларида ушбу кўрсаткич 1 фоизли пунктни ташкил қилади. Япония банкларида эса 0,5 фоизни ташкил этмоқда. Жаҳон Тиклаш ва Тараққиёт банки экспертларининг фикрига кўра, соф фоиз маржасининг мўътадил даражаси 4,5 фоизни ташкил этади. Демак, республикамиз тижорат банклари муддатли ва жамғарма депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларини ошириш йўли билан фоиз маржасини мўътадил даражага келтиришлари мумкин. Лекин бунинг учун ҳар бир тижорат банки даромадлиликнинг “ўлик нуқтаси”ни ҳисоблаб чиқиш зарур. Акс ҳолда, ортиқча харажатларни юзага келишига йўл қўйган тижорат банкида фоиз маржасини қисқариши ҳисобига даромадларни етмай қолиши юз бериши мумкин.

Бизнинг фикримизча, Марказий банкнинг жорий ликвидлилик коэффицентини 30 фоиз даражасида сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Чунки трансакцион депозитларнинг нобарқарорлиги муаммоси республикамиз банк амалиётида ўзининг долзарблигини сақлаб турибди.

2. Республикамиз тижорат банкларининг жалб қилинган маблағларига нисбатан қўлланилаётган мажбурий заҳира ажратмалари ставкасини юридик шахсларнинг депозитларига нисбатан белгиланган 15 фоизлик даражасини камида 50 фоизга камайтириш лозим. Агар ривожланган хорижий мамлакатларнинг амалиётига эътибор қиладиган бўлсак, уларнинг деярли барчасида (Япония бундан мустасно) юридик шахсларнинг муддатлари депозитларига ва аҳолининг муддатли омонатларига нисбатан паст ставкада мажбурий заҳира меъёрлари белгиланган. Масалан, АҚШда трансакцион депозитларга нисбатан белгиланган мажбурий заҳира ставкалари 12 фоизни ташкил қилгани ҳолда, юридик шахсларнинг муддатли депозитларига нисбатан 3-5 фоизли заҳира меъёрлари белгиланган. Еврозонага кирувчи

мамлакатларда мажбурий заҳира ажратмаларининг ставкаси 2 фоизни ташкил этади.

Юридик шахсларнинг муддатли депозитларига нисбатан паст ставкали мажбурий заҳира меъёрларини белгилаш натижасида биринчидан, тижорат банкларининг кредитлаш қобилияти кучаяди, иккинчидан, тижорат банкларида муддатли депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларини ошириш имконияти юзага келади.

3. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш зарур.

Ривожланган хорижий давлатлар, хусусан, Ғарбий Европа давлатлари банк амалиётида тижорат банкларининг фоизли даромадларига асосан 3 даромад тури киритилади:

а) ссудалардан олинадиган фоизлар;

б) белгиланган ставкага эга бўлган қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар;

в) қимматли қоғозларнинг бозор баҳосини оширишдан олинадиган даромадлар.

Жаҳон Тиклаш ва Тарақиёт банки экспертларининг фикрига кўра, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун соф фоизли даромадларнинг банк ялпи даромадларининг ҳажмидаги салмоғи камида 70 фоизни ташкил қилиши лозим³².

Соф фоизли даромадларнинг салмоғини ошириш учун, фикримизча, банкларнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларини ривожлантириш зарур. Бунинг боиси шундаки, республикаимиз тижорат банкларининг фоизли даромадлари деярли тўлиқ кредитлардан олинган фоизлардан ташкил топган. Масалан, Ўзсаноатқурилишбанкни фоизли даромадларининг таркибида кредитлардан олинган фоизларнинг салмоғи 2009 йилда 87,6 фоизини ташкил қилди. Демак, республикаимизнинг тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларни ривожлантириш йўли билан фоизли даромадларнинг миқдорини кескин кўпайтириш имконияти мавжуд.

2005-2009 йилларда республикаимиз ҳукуматининг мавжуд қисқа муддатли облигацияларининг даромадлилик даражасини сезиларли даражада пасайганлиги кузатилди. 2009 йилнинг якунига келиб, ҳукумат қиммаъли қоғозларининг аукцион даромадлилик даражаси 6 фоизни ташкил қилди³³. Тижорат банклари учун ушбу қимматли қоғозларнинг жозибадорлигини ошириш учун уларнинг даромадлилик даражасини кўтариш лозим.

Тижорат банкларининг ссудалардан олинадиган фоиз шаклидаги даромадларини ошириш мақсадида, аввало, ссудаларнинг банк активлари таркибидаги салмоғини ошириш лозим. Иккинчидан, банкларнинг пасивлари таркибида марказлашган ресурслар ва бошқа банклардан олинган кредитларнинг салмоғини кескин камайитириш ва уларнинг ўрнига муддатли ва жамғарма депозитларнинг салмоғини ошириш лозим.

³² Барлтроп К.Дж., МакНотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. ИЭР МБРР-Вашингтон Д.С., 1993.-с.139.

³³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари.

Учинчидан, тижорат банкларида мижознинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим.

Банкларда шундай баҳолаш тизими юзага келтирилиши лозимки, у мижознинг реал пул оқимини аниқ белгилаш ва прогнозлаш имконини берсин. Мукамал баҳолаш тизими тадқиқотнинг иккинчи бобида баён қилинган. Муҳими ушбу тизимни амалиётга жорий қилиш лозим. Бундан ташқари, баҳолаш тизимида мижознинг кредит йиғма жилдини юритишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Унда мижознинг кредит тарихи, бўлқига оид маълумотлар ўзининг тўлиқ ифодасини топган бўлиши лозим.

Тўртинчидан, кредитлаш шаклларида кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Ҳар бир кредитлаш шакли унга бўлган табиий эҳтиёж натижасида юзага келади ва уларнинг риск даражасига қараб банкнинг фоиз ставкаси белгиланади.

4. Республикамиз тижорат банклари активларининг ликвидлилиги ва даромадлилиги ўртасидаги узвий боғлиқликнинг оқилона даражасини юзага келтириш лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда, тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш йўли билан уларнинг депозит базасини таркибида трансакцион депозитларнинг салмоғини пасайтириш лозим. Ана шунда банкларнинг ликвидлилигига кучли таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бирига, яъни трансакцион депозитларнинг ликвидликка таъсири сусайтирилади. Ундан кейин эса, банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобварақларидаги қолдиқларни ўрнини босувчи юқори ликвидли қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳажмини ошириш лозим. Бунда, асосан, белгиланган фоиз ставкасига эга бўлган қимматли қоғозлар, яъни ҳукуматнинг облигациялари, корхоналарнинг облигациялари ва тижорат банкларининг депозит сертификатлари сотиб олиниши лозим.

5. Республикамизнинг йирик тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошиб кетмаслик чораларини кўриш лозим. Бунинг натижасида банкларнинг кредит портфелини сифатини ёмонлашишининг олди олинади ва ссудалардан олинadиган даромадларнинг миқдорини камайишига йўл қўйилмайди.

Ҳозирги вақтда, республикамиздаги бир қатор тижорат банкларида берилган кредитларни мижоз томондан берилган муддатли мажбуриятда кўрсатилган муддатларда қайтармаслик ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу ҳолат тижорат банкнинг бош банкидан ва Марказий банкнинг жойлардаги Бош бошқармаларидан яшириб келинмоқда. Яшириш механизми қуйидагича: айтилиқ, кредит 4 йил муддатга берилган. Мижоз ҳар йили кредит сўммасини 2,5 млн. сўмини қайтариши лозим. Лекин кўпчилик ҳолларда мижоз кредитни қайтарилиши лозим бўлган қисмини белгиланган муддатда қайтара олмайди. Айни вақтда, Бош банк ва Марказий банкнинг жойлардаги Бош бошқармалари кредитни мижоз томонидан берилган муддатли мажбуриятномада кўрсатилган ҳақиқатда қайтариш муддатини билмайди. Бунинг натижасида муддати ўтган кредитларнинг сезиларли қисмини баланс ҳисоботларида акс эттирилмаслик ҳоллари юзага келади. Бизнинг фикримизча, тижорат банкларининг бўлимлари Бош банк ҳамда Марказий банкнинг Бош бошқармаларига берилган кредитларни муддатли

мажбуриятномаларга асосан қайтариш саналари аниқ акс эттирилган маълумот топширишларини таъминлаш лозим. Ана шунда кредитларнинг ҳақиқатда қайтмаган қисмини назорат қилиш ва реал тарзда баҳолаш имкони юзага келади.

6. Тижорат банкларининг фаолиятидаги иқтисодий рискларни бошқаришнинг самарали тизими шакллантирилиши лозим. Ушбу тизим трансформация riskига тўлиқ барҳам бериши, валюта riskининг активларнинг даромадлилигига салбий таъсирини камайитириши лозим.

4 – боб. ТИФ «Миллий банк» тизимида меҳнат муҳофазаси ва ҳаёт хавфсизлигини таъминланишининг амалдаги ҳолати таҳлили.

4.1 ТИФ «Миллий банк» тизимида меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар.

Ўзбекистонда меҳнат муҳофазаси – бу тегишли конун ва бошқа меъерий ҳужжатлар асосида амал килувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сihat-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш олдини олиш тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (8 декабр, 1992 йил), Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (21 декабр, 1995 й.), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги конун» (6 май, 1993 й.), Давлат стандартлари, низомлар ва норматив ҳужжатлар, хавфсизлик техникаси бўйича қоидалар асосида олиб борилади.

Республикада демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятининг қурилиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тулик риоя этилишини таъминлаш килади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Республикамиз фуқароларининг шахсий ҳуқуқий ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари яққол ўз ифодасини топган. Конституцияда қўрсатилганидек, «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсулдирлар». (2-модда); «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир...» (24 модда); «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, қулай меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда қўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» (37 модда). Юқоридагиларга асосланган ҳолда ифодалаш мумкинки, инсоннинг ҳаёти ҳам, меҳнат фаолияти ҳам, соғлиги ҳам давлат қонунлари асосида ҳимояланади, муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги Қонунида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати аниқ ўз аксини топган. Унда «Қорхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ҳодимнинг ҳаёти ва соғлиги устиворлиги» (4 модда) таъкидланган. Ушбу қонун 5 бўлим ва 29 моддадан иборат бўлиб, унда меҳнат муҳофазаси бўйича умумий қоидалар (1-бўлим, 7 моддадан иборат); меҳнатнинг

мухофаза килинишини таъминлаш (2-булим, 8 моддадан иборат); ишловчиларнинг меҳнатни мухофаза қилишга доир ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги қарорлар (3-булим, 6 моддадан иборат); меҳнатни мухофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати (4-булим, 3 моддадан иборат); меҳнатни мухофаза қилиш тугрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик (5-булим, 5 моддадан иборат) масалалари ёритилган.

1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қабул қилинди ва у 1996 йил апрель ойидан бoshлаб амалда қучга кирди. Ушбу қонунларда қурсатилишича ҳавфсизлик техникасига, ишлаб чиқариш санитариясига ёнгин чиқишидан сақланишга ва меҳнат мухофазасининг бошқа қоидаларига риоя этиш юзасидан ишчи ва хизматчиларга йул-йуриқлар бериш, шунингдек, ходимларнинг меҳнат мухофазасига доир қулланмаларда қурсатилган ҳамма талабларга амал қилиши устидан доимий назорат урнатиш маъмурият зиммасига юкланади. Меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда, шунингдек, алоҳида ҳарорат шароитида бажарилаётган ёки ҳавони ифлослантирувчи ишларда меҳнат қилувчи ва хизматчиларга белгиланган совун, махсус қийим-бош, пойафзал ва бошқа шахсий химоя воситалари текинга берилади. Меҳнат шароити ифлосланиш билан боғлиқ ва зарарли бўлган ишларда ишловчи ишчилар белгиланган нормаларда совун, сут ёки бошқа хил профилактик озик-овқатлар, иссик цехларда ишловчиларга эса газ-сув билан текин таъминланади.

Меҳнат қонунлари кодексида бoлогатга етмаган ёшларнинг меҳнатига алохитда эътибор берилган. Ун саккиз ёшга тулмаган йигитларнинг 16 кг дан. Қизларни 10 кг дан ортиқ юк қутаришига, уларнинг иш вақтини ҳафтасига 36 соатдан ортиб қетишига, йул қуймаслик қерак. Шунингдек, уларни тунги ва иш вақтидан ташқари ишларга ҳамда дам олиш қунлари ишлашга жалб этиш тақиқланади. Ишчи ходимлар учун иш вақтининг нормал муддати 40 соатдан ошиб қетмаслиги, ун саккизга қирмаган ёшлар ҳамда меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда меҳнат қилувчилар учун иш вақти миқдори ҳафтасига қупи билан 36 соат бўлиши қерак. Иш вақтидан ортиқ ишлаш ҳар бир ишчи ва хизматчи учун сурункасига икки қун давомида 4 соатдан ва йилига 120 соатдан қуп бўлмаслиги лозим.

Меҳнат шароитларини меъёрлаштириш, ишчилар учун соғлом ва ҳавфсиз иш шароитини таъминлаш мақсадида меҳнат ҳавфсизлиги талаблари асосида стандартлар ишлаб чиқилиб улар маълум бир системага солинган.

Ишлаб чиқаришда юз берадиган бахтсиз ходисаларни олдини олишга қаратилган тадбирлардан бири бу содир бўлган бахтсиз ходисаларни тугри текшириш ва таҳлил қилиш, уларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда олинган маълумотлар асосида тегишли тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Шу нуктаи назардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарорига асосан «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш» тугрисида Низом қабул қилинди.

Узбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодексида ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги Қонунида ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлиги учун жавобгарлик белгиланади. Қонунда, меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмаганлиги учун қорхоналарнинг жавобгарлиги, (25-модда) меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятидаги маҳсулотни тайёрланганлик ва сотганлик учун қорхоналарнинг иқтисодий жавобгарлиги, (26-модда): ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга зиён етказганлик учун қорхоналарнинг моддий жавобгарлиги, (28-модда); ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда қорхонанинг моддий жавобгарлиги (29-модда) аниқ қурсатиб утилган.

«Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилишидап айбдор бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар» (27-модда).

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисида» ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун зарарли бўлган омилларни бартараф қилиш бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиеник жихатдан қониқарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чора-тадбирларни қилиш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилганлиги қурсатиб утилган. Қасбий заарлиқлар мавжуд бўлган ҳудудларда меҳнат қиладиган ишчилар қисқартирилган иш қуни, қушимча дам олиш қуналари жлрий этилиши. Зарали иш жойлардида ишлаганларга. Яъни жуда иссиқ ҳароратли, совук. Зах ва соғлиқ учун зарарли шароитда меҳнатқилаётганлар учун махсус устама ҳақ ҳамда ҳимоя қийимлари берилиши қузда тутилади. Қасбий қасаллиқларнинг олдини олиш, ишчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг урнатилган тартиби жорий этилган.

ОАТБ “Микроқредитбанк” Самарқанд бўлимида меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида қупгина ишлар қилинган, жумладан қомпютер билан ишлаш қараенида нурланишнинг олдинги олиш мақсадида барча қомпютерлар махсус ҳимоя экранлари билан қизозланган. Жақирма ёз мавсумида иш унумдорлигини ошириш ҳамда меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча қоналарда махсус совутқичлар урнатилган.

ОАТБ “Микроқредитбанк” Самарқанд бўлимида барча ходимлар ишининг ҳавфсизлик даражаси, шунингдек ҳизмат малақаси ходимнинг стажи, лавозимидан қатъий назар ишга қабул қилинганда белгиланган муддатларда қомпютер ҳавфсизлиги бўйича йуриқномалар билан таништирилади.

Ишлаб чиқаришда соғлом ва ҳавфсиз меҳнат қилиш шароитини яратишда, меҳнат Қонуни, кодекси, Низомидан бошқа Меҳнат ҳавфсизлиги стандартлар тизими қатта рол уйнайди. Улардаги қуйилган вазифани бажаришда ва нормадаги шароитни таъминлашда меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими – системаси инобатга олинади. Меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими фаолиятига меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни режалаштириш, амалга ошириш, бақолаш, ишларни барқарорлаштириш қиради. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ташвиқот олиб бориш, ҳавфсизлик талабига биноан уқитиш, ишлаб чиқариш

унумдорлигини ошириш, ускуналар, жараенлар, бино ва курилмалар хавфсизлигини таъминлаш, санитария – гигиеник меҳнат шароитини яхшилаш, ишчиларни шахсий муҳофаза воситалари ва меҳнатни нормадаги режими, дам олиш билан таъминлаш, санитария- маиший хизмат, мутахассисларни касбий буйича танлаш каби вазифалар тизимнинг таркиби ҳисобланади.

4.2. ТИФ «Миллий банк» тизимида ёнгин хавфсизлигининг таъминланиши

Ёнгин хавфсизлиги – умумий талаблар, ёнгин хавфлари, ёнгинни олдини олиш, ёнгинга қарши химоя схемаси, ёнгинни тарқатилишини олдини олиш, ёнгиндан химояланиш, техник жихозлар, ёнгин муҳофазаси буйича мутахассислар тайерлаш, турли тадбирлар утказиш, ёнгинга Қарши инструкциялар, ёнгинни учуриш, ут учиргичлар ва курилмалар, ёнгинни аниқлаш ва учуришнинг автоматик воситалари, ёнгин алоқалари, сигнализациялар қиради.

Электр ускуналарнинг носозлиги ёки уларни ишлатиш қоида талабларига амал қилмаслик, одамнинг шакастланишига олиб келади. Электр токи одам танасига термик, электролитик ва биологик ҳилда таъсир этиши мумкин. Натижада одамнинг нафас олишида, юрак фаолиятида, моддалар алмашувида, қон таркибида ва бошқа аъзоларида узгариш бўлади.

Ёнувчи мода билан ҳаводаги қислороднинг узаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва қуп микдорда иссиқлик ажралиб чикувчи қиёвий реакцияга ениш дейилади.

Ёниш жараенини тухтатиш учун оксидланиш-тикланиш занжир реакцияси тузилиши керак. Бу реакцияда тухташнинг физик ҳамда қимёвий усуллари қулланилади.

Қорхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида йзиб қуйилган.

ОАТБ «Микроқредитбанк» Самарқанд булимида ёнгин хавфсизлигини олдини олиш борасида жуда қата ишлар қилинган, жумладан барча электр тарқомлар стандартларга аосан икки қават маҳсус электр тоқинит утазмайдиган қопламалар билан химояланган. Ҳар бир қонада маҳсус ут учирайдиган мосламалар мавжуд. Бу мосламалар ҳар 6 ойда маҳсус қомиссия қомонидан текширилади ва зарурат тугилганла алмаштирилади. Банкнинг дала қовлисида маҳсус «Ҳавфсизлик шкафи» мавжуд бўлиб, у ерда барча зарур бўлган асқоб ускуналар, маҳсус бўлгалар, сув сепадиган маҳсус шланглар мавжуд.

Банк қиносининг ҳар бир қонасида маҳсус электрон дақчиклар мавжуд бўлиб, тутун қикқан қолда зудлик билан банк қоровулқонасига ҳамда ёнгинга қарши қурашиш ташкилотига қабар етиб қоради. Бундан ташқари банк қиносининг ҳар бир қонасида ёнгин қикқан қолда автоматик равишба сув сепадиган маҳсус қурилмалар билан қихозланган.

Ҳар йили, банк қиноси Самарқанд вилояти Ички Ишлар Булими қошидаги Ёнгинга қарши қурашиш бошқармаси қомонидан текширилади ва бу ҳақда далолатномалар тузилади.

Банк рахбарияти томонидан ва ҳар 6 ойда Самарканд вилояти Ички Ишлар Булими қошидаги Ёнгина қарши қурашиш банк ҳодимлари билан тушунтириш ишлари олиб борилади.

4.3 ТИФ «Миллий банк» тизимида ҳодимларга тиббий хизмат кўрсатилиши ҳолати.

Маъмурият таркибида раҳбар ҳодимлар, яъни қорхоналарда, ташилотларда ташкилотчилик, маъмурий – ҳужалик ишларини амалга оширувчи. Ишлаб чиқариш қараёнини ташкил қилувчи, ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган қишларни бошқарвчи, моддий маблағларни тақсимот билан ишлатиш ва уни назорат қилиш ишларини олиб боровчи шахслар қиритилади.

Маъмурий ҳодимларига қуйиладиган асосий талаб, улар давлат сиёсатини яқши тушунишлари ва уни амалга оширишга ҳаракат қилишлари, давлат ва ҳалқ манфаатларини тушуниб амалга оширишлари, меҳнат шароити тартибини сақлай қилишлари, ишчиларни меҳнат интизомини сақлаш ва ишга рағбатлантириш, иш унумини ошириш ва даражасини бир неча ун йил олдиндан қура қилувчи шахс қулишлари қерак.

Ҳар қандай қорхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган ҳом ашеси, чиқарадиган маҳсулоти ва қойлашган қиносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнгина қикишга, портлашга ва ёнгина қиккан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнгиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнгина ва портлашга ҳавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир қорхонада ёнгина ҳавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатиладиган ҳом ашенинг ва чиқариладиган маҳсулотнинг ёнгина ҳавфлилик даражаси билан улчанади.

ТИФ «Миллий банк» Самарканд вилоят қулимида ҳодимларга тиббий ердам қурсатиш мақсадида маҳсул тиббиёт қуттиси мавжуд. Ушбу қутида биринчи даражали тиббий ердам қурсатиш учун барча дори воситалари, ёнгина содир бўлганда маҳсул одам ташийдиган усқуналар билан қихозланган.

ХУЛОСА

Битирув малакавий ишини бажариш жараёнида амалга оширилган таҳлилларнинг натижаларига асосланган ҳолда, қуйидаги илмий хулосаларни шакллантирдик:

1. Хорижлик қатор иқтисодчи олимлар тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашда асосий эътиборни кассали активларга қаратадилар ва унинг таркибига тижорат банкларининг кассасидаги нақд пулларни, уларнинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғини, тижорат банкларининг бошқа тижорат банкларидаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларининг қолдиқларини ва инкассация жараёнидаги пул маблағларини киритади. Аммо иккинчи гуруҳ иқтисодчи олимлар (К.Барлтроп, Д.МакНотон ва бошқ.) юқори ликвидли активлар таркибига кассали активлардан ташқари тижорат банкларининг балансидаги Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталарни ҳам киритади.

Фикриимча, хорижлик иқтисодчи олимларнинг кассали активларнинг юқори даражадаги ликвидлилиги хусусидаги фикри ўринли, аммо инкассация жараёнидаги пул маблағларини юқорли ликвидли активлар сифатида эътироф этиш масаласида, табақавий ёндашув бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банки томонидан қабул қилиб олинган ва бошқа тижорат банкларига тўлов учун жўнатилган пуллик ҳужжатлар тўлиқ тўлаб берилмайди, уларнинг айримлари ҳатто умуман тўланмаслиги мумкин. Шу сабабли, фикримизча, флоутни юқори ликвидли актив сифатида баҳолаш учун пуллик ҳужжатлар бўйича тўловни амалга оширадиган тижорат банкининг тўловга лаёқатлилиқ рейтингига асосланиши лозим.

2. Россиялик иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг ликвидли активлари депозитларнинг нобарқарор қисми бўйича мажбуриятларни бажариш имконини бериши керак. Яъни, ҳар учала шаклдаги банк депозитларининг, яъни жорий депозитлар, жамғарма депозитлари ва муддатли депозитларнинг барқарор қисми мавжуд бўлиб, улар жами депозитларнинг 75 фоизидан кам бўлмаган қисмини ташкил этиши лозим. Ликвидли активлар эса, жами депозитларнинг 25 фоизи миқдоридаги мажбуриятларни бажаришга етадиган миқдорда мавжуд бўлиши лозим. Фикримизча, тижорат банкларининг ликвидли активларининг миқдорини депозитларнинг нобарқарор қисмига нисбатан эмас, балки жорий депозитлар ва жамғарма депозитларига нисбатан белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг сабаби шундаки, айнан шу депозитларнинг беқарорлик даражаси юқори бўлиб, тижорат банкларида ликвидлилиқ рискинни доимий тарзда юзага келтиради. Фикримизча, депозитларнинг барқарор қисмининг жами депозитларнинг 75 фоизи миқдорида шаклланиши ривожланган хорижий давлатларнинг амалиётига хос бўлган ҳолат ҳисобланади.

3. Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида, тижорат банкларининг ликвидлилигини баҳолашда, асосан, капиталнинг етарлилиқ коэффициентлари ва жорий ликвидлилиқ коэффициенти кўрсаткичларидан фойдаланилади. Капиталнинг етарлилиқ коэффициентлари тижорат банкининг умумий ликвидлилигини ифодаласа, жорий ликвидлилиқ коэффициенти банкларнинг жорий ликвидлилигини акс эттиради.

Тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари капиталининг таркибиин шакллантириш ва унинг етарлилигини таъминлашда тўлиқ Халқаро Базел стандартининг талабларидан фойдаланилади.

4. Хорижий давлат тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатдики, биринчидан, трансакцион депозитлар АҚШ тижорат банклари пасивларнинг умумий ҳажмида кичик салмоқни эгаллайди. Чунки трансакцион депозитлар АҚШ тижорат банклари учун ресурс манбаи ҳисобланмайди, шу сабабли, уларга фоиз тўланмайди, АҚШда 2007 йилнинг 20 декабридан бошлаб, тижорат банкларининг муддатли ва жамғарма депозитлари Федерал захира тизимининг мажбурий захира талабномасидан озод қилинди. Иккинчидан, АҚШ тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи 2008 йилда 2007 йилга нисбатан сезиларли даражада ошди ва ушбу ҳолат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг банклар фаолиятига нисбатан юзага келган салбий таъсирига барҳам бериш чоралари билан изоҳланади.

5. Япония тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида депозитларнинг салмоғи юқори бўлиб, Марказий банк мажбурий захира талабномасининг тижорат банкларининг депозит базасига нисбатан салбий таъсири мавжуд эмас.

Япония тижорат банкларининг пасивлари ҳажмида умумий капиталнинг салмоғи унчалик юқори эмас. Ушбу ҳолат банкларнинг тўловга қобиллигига нисбатан жиддий хавфни юзага келтириши мумкин. Япония тижорат банкларининг пасивлари ҳажмида умумий капиталнинг салмоғи 2009 йилда олдинги йиллардагига қараганда сезиларли даражада ошди ва ушбу ҳолат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши кураш тадбирлари билан боғлиқ.

6. 2004-2008 йилларда Россия тижорат банкларининг пасивлари ҳажмида халқаро мажбуриятлар ва депозитлар юқори салмоқни эгаллаганлиги депозитларни жалб қилиш тижорат банклари операцияларининг асосий турларидан бири эканлиги билан ҳамда Россия банклари томонидан катта миқдорлардаги хорижий кредит линияларининг ўзлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Умуман ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида умумий капиталнинг тижорат банкларри пасивларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг беқарорлиги хос бўлиб, ушбу муаммо банкларнинг тўловга қобиллигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради;

7. Тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида умумий капиталнинг салмоғини 10 фоиздан паст бўлмаган даражада барқарор сақлаб туриш тижорат банкларининг тўловга қобиллигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида йирик тизимли банкларнинг капиталлашиш даражасини давлат маблағлари ҳисобидан ошириш усулидан фойдаланилмоқда.

2009 йилда республикамизнинг 6 та йирик тижорат банкининг устав капиталига давлат маблағлари ҳисобидан 500 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан ошириш мамлакат банк тизимини молиявий қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Бунинг устига, тижорат банкларининг устав капиталига қўйилган давлат маблағлари иқтисодиётнинг реал секторида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

9. 2005-2009 йилларда республикамиз хусусий тижорат банкларида кассали активларнинг жами активлардаги салмоғи юқори даражада қолди ва бу салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки кассали активлар даромад келтирмайдиган активлардир.

Айрим хусусий тижорат банкларида 2005-2009 йиллар мобайнида асосий воситаларининг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг юқори суръатларда ўсиши кузатилди. Мазкур ҳолат муддатида қайтмаган кредитларнинг гаров таъминотига унидирув қаратилганлиги ва гаровга олинган мулкларни банкнинг балансига ўтказилганлиги билан изоҳланади.

10. 2005-2009 йиллар мобайнида республикамизда хусусий тижорат банклари умумий капиталининг таркибида устав капиталининг салмоғи юқори бўлганлиги мамлакатимиз ҳукумати ва Марказий банк томонидан тижорат банкларининг устав капиталини ошириш сиёсатини олиб борилаётганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестицион фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши республикамиз банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Мазкур Қарорга мувофиқ, 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдори тижорат банклари учун сўм эквивалентида 10 млн.евро миқдорида, хусусий банклар учун - сўм эквивалентида 5 млн. евро миқдорида белгиланди.

11. 2004-2009 йилларда Агробанк кредитларининг активлар умумий ҳажмидаги салмоғини ўсиш тенденциясига кузатилди. Бу эса, Агробанкнинг аграр соҳани молиялаштиришни амалга ошираётган етакчи банк эканлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, 2004-2006 йиллар мобайнида кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи юқори бўлганлиги салбий ҳолат ҳисобланади. Аммо 2007-2009 йилларда кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини сезиларли даражада пасайтиришга муваффақ бўлинган. Кассали активлар салмоғининг пасайиши кредит қуйилмаларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

12. Битирув малакавий ишнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, 2004-2008 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғи 58 фоиздан юқори бўлди. Бу

эса, республикамиз тижорат банклари депозит базасининг етарли эмаслигидан далолат беради. Чунки, тижорат банклари депозит базаси етарли бўлиши учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги зарур.

2005-2008 йилларда муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги мазкур давр мобайнида трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади ва пировард натижада республикамиз тижорат банклари депозит базасининг ҳолати ёмонлашаётганлигидан далолат беради.

2003-2008 йилларда республикамиз тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида жамғарма депозитлари салмоғи кичиклигича қолганлиги тижорат банклари пул маблағларини жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб қилиш операцияларининг ривожланмаганлигидан далолат беради. Аммо 2005-2008 йилларда мазкур кўрсаткичнинг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги ижобий ҳолат ҳисобланади ва ушбу давр мобайнида муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги тижорат банклари депозит базаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Муддатли ва жамғарма депозитлари халқаро банк амалиётида тижорат банклари ресурсларининг аксарият қисмини ташкил этиши ҳамда АҚШ ва Ғарбий Европа тижорат банкларида муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 60 фоиздан ошиши аниқланди.

Тижорат банкларининг дивиденд сиёсатини амалга оширишда миллий валютанинг алмашув курси ва инфляция даражасининг барқарорлигига алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунинг сабаби шундаки, ҳар бир акциядор банкнинг устав капиталига қўйган маблағининг реал қиймати сақланишидан манфаатдордир. Ушбу маблағнинг реал қиймати эса инфляция ва алмашув курсининг тебранишига боғлиқ бўлади. Инфляция даражасининг ошиши ва миллий валюта алмашув курсининг пасайиши миллий валютада ёзилган акцияларнинг реал қийматини пасайишига олиб келади. Агар, тижорат банки томонидан тўланаётган дивидендлар даражаси инфляция ва миллий валютанинг алмашув курсини ўзгариши натижасида пасаядиган қийматни ўрнини қоплашга етмаса, у ҳолда бу банк акцияларига бўлган талаб кескин пасаяди.

13. Битирув малакавий ишни бажариш жараёнида республикамиз тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммоларнинг мавжудлигини аниқладик:

- тижорат банклари активларининг ликвидлилиги билан даромадлилиги ўртасидаги узвий алоқадорликнинг оқилона даражасини таъминланмаганлиги;

- тижорат банклари фаолиятидаги иқтисодий рискларни бошқариш тизимини такомиллаштирилмаганлиги;

- республикамиз тижорат банкларининг даромад келтирадиган активларининг таркибида юқори рискли активларнинг салмоғини кичик эканлиги;

– банкларнинг активларини риск даражасини белгилашда халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган услубий-меъёрий ишланмалардан тўлақонли тарзда фойдаланилмаётганлиги;

– республикамиз тижорат банкларида бир томонлама қисқа ёки узун валюта позицияларини юзага келаётганлиги уларнинг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда;

– республикамизнинг йирик тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг даражасини нисбатан юқори эканлиги;

– республикамиз тижорат банклари умумий капиталининг ҳажмида нобарқарор ресурс манбаи бўлган девальвация захирасининг юқори салмоққа эга эканлиги, мамлакатимиз тижорат банкларида жорий йил фойдаси ва тақсимланмаган фойданинг умумий капитал ҳажмидаги салмоғининг кичиклиги, тижорат банкларида иккинчи даражали капитални шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммо.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Республикамиз тижорат банкларида кассали активларни йирик миқдорда тўпланиб қолишига йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун, аввало, тижорат банкларининг депозит базаси таркибида муддатли депозитлар ва жамғарма депозитлари салмоғини ошириш лозим.

2. Республикамиз тижорат банкларининг жалб қилинган маблағларига нисбатан қўлланилаётган мажбурий заҳира ажратмалари ставкасини юридик шахсларнинг депозитларига нисбатан белгиланган 15 фоизлик даражасини камида 50 фоизга камайтириш лозим.

3. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш зарур.

4. Республикамиз тижорат банклари активларининг ликвидлилиги ва даромадлилиги ўртасидаги узвий боғлиқликнинг оқилона даражасини юзага келтириш лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда, тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш йўли билан уларнинг депозит базасини таркибида трансакцион депозитларнинг салмоғини пасайтириш лозим.

5. Республикамизнинг йирик тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошиб кетмаслик чораларини кўриш лозим. Бунинг натижасида банкларнинг кредит портфелини сифатини ёмонлашишининг олди олинади ва ссудалардан олинadиган даромадларнинг миқдорини камайтиришга йўл қўйилмайди.

6. Тижорат банкларининг фаолиятидаги иқтисодий рискларни бошқаришнинг самарали тизими шакллантирилиши лозим. Ушбу тизим трансформация рискига тўлиқ барҳам бериши, валюта рискининг активларнинг даромадлилигига салбий таъсирини камайтириши лозим.

7. Мамлакатимиз банк амалиётида халқаро Базель қўмитасининг услубий меъёрий ишланмаларидан тўлақонли тарзда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

8. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини янада ошириш мақсадида банкларнинг жорий ликвидлилик

даражасига баҳо беришда талаб қилиб олинадиган депозитлар миқдорини уларнинг барқарор қолдиғи суммасига камайтириш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. «Банк сири тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.08.2003 й. № 530-П.

2. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 05.04.2002 й. № 360-П.

3. «Кредит уюшмалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 04.04.2002 й. № 355-П.

4. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.04.1996 й.

5. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 21.12.1995 й. № 154-І.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 10 ноябр, №ПФ-4051.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 18 ноябрь, №ПФ-4053.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 28 ноябрь, №ПФ-4057.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 28 ноябрь, №ПФ-4058.

10. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 15.06.2005 й. № ПҚ-100.

11. «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 06.05.2005 й. № ПҚ-69.

12. «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 15.04.2005 й. № ПҚ-57.

13. «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 15.04.2005 й. № ПҚ-56.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325-сонли “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

18. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. -Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.

19. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 2008. -368 б.

20. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. - 176 б.

21. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -528 б.

22. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамият барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 77 б.

Китоб ва туркум нашрлар

23. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002й. – 304 б.

24. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар: дарслик. / Ш.З.Абдуллаева - Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007. - 348б.

25. Банковское дело: учебник. / Г.Г. Коробова. - Москва: Экономист, 2005. - 751с.

26. Банковское дело: учебник. / Г.Н. Белоглазова. - Москва: Финансы и статистика, 2006. - 592с.

27. Баталов А.Г. Банковская конкуренция. / А.Г. Баталов. - Москва: Экзамен, 2002. – 256с.

28. Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки: учебник. / - Москва: Юрайт, 2006. - 621с.

29. Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник. 2-е изд. Перераб. и доп. / О.И. Лаврушина. - Москва: Финансы и статистика, 2008. - 594с.

30. Лаврушин О.И. Деньги. Кредит. Банки. - Москва: КНОРУС, 2005. - 558с.
31. Сазыкин Б.В. Управление операционным риском в коммерческом банке. – М.: Вершина, 2008. – 272 с.
32. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции./ В.М. Усоскин. - Москва: Антидар, 1998. - 320с.
33. Джозеф Ф., Синки М.Л. Управление финансами в коммерческом банке. - Москва: Инфра, 1995г. 820с.
34. Жарковская Е.П., Арендс И.О. Банковское дело. курс лекций. - Москва: Изд.ОМЕГА-Л, 2003.-399с.

Интернет сайтлар

35. <http://www.review.uz/>
36. <http://www.uba.uz/>
37. <http://www.cbu.uz/>
38. <http://www.gov.uz/>